

64  
С21

САИДОВА ҲУЛКАР ҲАМИДОВНА

МАХСУС ФАНЛАРДАН ЎҚУВ  
АДАБИЁТЛАРНИ АМАЛИЙ  
ЭКСПЕРТИЗАДАН ЎТКАЗИШНИНГ  
ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ



67

с/352

С-21

Сайдова Х.Х.

Махсус фанлардан ўкув

адабиёттарни амалий экспер  
тизадап утказицининг илмий-  
услубини асосларни

Т-2018

б/п

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ**

**САИДОВА ҲУЛКАР ҲАМИДОВНА**

**МАХСУС ФАНЛАРДАН ЎҚУВ  
АДАБИЁТЛАРНИ АМАЛИЙ  
ЭКСПЕРТИЗАДАН ЎТКАЗИШНИНГ  
ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ**

**МОНОГРАФИЯ**

Тошкент  
“Muхаррир nashriyoti”  
2018

УДК 373.5.091.64

КБК 74.26

С 21

Сайдова, Ҳулкар.

Махсус фанлардан ўкув адабиётларни амалий экспертизадан ўтказишнинг илмий-услубий асослари [Матн] / Ҳ.Сайдова. – Тошкент: Muharrir nashriyoti, 2018. - 100 б.

ISBN 978-9943-5270-4-1

Касб-хунар таълими учун махсус фанлардан замонавий ўкув адабиётлари сифатини баҳолаш муаммоларини ўрганиш ва илмий ечимларини топишида касб-хунар таълимида махсус фанлар ўкув адабиётларини амалий экспертизадан ўтказиш методикаси ишлаб чиқилган ва таълим жараёнига жорий этилган.

Махсус фанлар ўкув адабиётлари сифатини баҳолаш мезонлари ва методи ишлаб чиқиш, амалиётта тадбик этиш касб-хунар коллежларида ўқитиладиган «Тикув ва тикув-трикотаж ишлаб чиқариш технологияси» махсус фан адабиётлари мисолида тажриба-синов ишлари натижалари математик-статистик методлар, диаграммалар жадваллар ёрдамида бетафсил баён этилган.

УДК 373.5.091.64

КБК 74.26


#### Тағричилар:

Қ.Т. Олимов – Бухоро мұхандислік-технология институты ўкув ишлары бүйінша проректори, п.ф.д. профессор

Ҳ.Қ. Рахмонов - Бухоро мұхандислік-технология институты, “Енгіл саңағат технологиялары ва жөннеліктері” кафедрасы мудири, т.ф.д., профессор

Ш. Ш. Олимов – Бухоро Давлат университеті “Педагогика” кафедрасы мудири, п.ф.д., профессор

Монография Бухоро мұхандислік-технология институтының Кенгашыла мұхомама юлланған ва 2018 йыл 28 изоңдагы 9-йыншы шарорига мұвоғық нашрға тәсіл күтілген.



© Ҳ.Сайдова.  
© "Muharrir nashriyoti",  
Тошкент, 2018.

## МУНДАРИЖА

Кириш .....	4
<b>1-БОБ. МАХСУС ФАНЛАРДАН ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИНИ ЯРАТИШ ВА УЛАРНИНГ СИФАТИНИ БАХОЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ</b>	
1.1. Касб-ҳунар таълимида махсус фанлардан замонавий ўқув адабиётларини яратилиш холати .....	9
1.2. Касб-ҳунар таълимида махсус фанлар ўқув адабиётлари сифатини баҳолаш муаммолари .....	21
1.3. Махсус фанлардан ўқув адабиётлари сифатини баҳолаш тамойиллари ва методлари .....	29
<b>2-БОБ. МАХСУС ФАНЛАР ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИНИ АМАЛИЙ ЭКСПЕРТИЗАДАН ЎТКАЗИШ МЕТОДИКАСИ</b>	
2.1. Махсус фанлар ўқув адабиётларини амалий экспертизадан ўтказиш мазмуни ва методикаси. ....	35
2.2. Махсус фан ўқув адабиётлари сифатини баҳолаш мезонларини ишлаб чикиши .....	51
2.3. Махсус фанлардан электрон дарсликларни экспертизадан ўтказиш услубияти .....	64
<b>3-БОБ. МАХСУС ФАНЛАР БЎЙИЧА ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИНИ АМАЛИЙ ЭКСПЕРТИЗАДАН ЎТКАЗИШ ВА ПЕДАГОГИК САМАРАДОРЛИГИННИ АНИҚЛАШ БЎЙИЧА ТАЖРИБА СИНОВ ИШЛАРИ</b>	
3.1. Махсус фан ўқув адабиётларини амалий экспертиза юлиш мазмуни. ....	71
3.2. Махсус фандан электрон дарсликнинг педагогик самарадорлигини аниқлаш бўйича тажриба синовларини ташкил этиш ва ўтказиш .....	79
3.3. Тажриба- синов натижаларини таҳлил этиш .....	80
Хулоса ва тавсиялар .....	89
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....	91

## КИРИЛ

Мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги даврига қадам кўйган хозирги кунда Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожланишнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида барча соҳаларда кенг кўламли ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Ана шу ислохотларнинг муваффакияти, мамлакатимизнинг дунёдаги ривожланган, замонавий давлатлар каторидан муносиб ўрин эгаллаши аввало илм-фан ва таълим-тарбия соҳасининг ривожи билан, бу борада бизнинг дунё микёсида ракобатбардош бўла олишимиз билан узвий боғлик десак, хеч қандай муболага бўлмайди [2].

Республикамизда таълим тизимини такомиллаштириш оркали ҳар томонлама етук, баркамол, мустакил фикрлашга кодир, иродали, фидоий ва ташаббускор кадрларни тайёрлашга катта зътибор берилмоқда. Хозирги даврда ишлаб чикарниша техника ва технологияларининг янгиланаётганлиги, илм ва фан жадал таракқиёти мутахассис кадрлардан ўз билимларини мустакил ва мунтазам равишда чукурлаштириб, янгилаб, тўлдириб ва кенгайтириб боришни талаб этади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рӯёбга чикариш эркин ва мустакил фикрловчи шахс шаклланишини таъминлайди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларини амалга оширишда ҳамда замонавий таълим шароитида сифатли ўкув адабиётларининг яратилиши ва ўкув жараёнига татбик этилиши мухим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Узбекистон Республикаси Конституцияси қабул килинганининг 24 йиллигига бағишланган маросимдаги маъруzasida таъкидлаганидек: "...давлат бошкаруви тизимини бугунги ва эртанги кун талабларидан келиб чиқиб, янада такомиллаштиришни такозо этади" [1].

Таълим соҳасида сўнгги йилларда ўкув адабиётларининг янги авлодини яратиш йўлида олиб борилаётган фаолиятни қўллаб кувватлаш ва рағбатлантириш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир катор Фармойишлари, Вазирлар

<sup>1</sup> Мирзиёев ШМ Конун устуворлиги ва инсон манфузатларини таъминлаш – юрт тарбиянети ва ҳалк фармойишигининг гарови Т "Ўзбекистон", 2016 19-6

Махкамасининг карорлари. Олий ва ўрта махсус таълимни Вазирлигининг бўйруклари қабул килинди.

Жумладан, “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон карорини ижро этиш ҳамда мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш тизимини янада тақомиллаштириш, шунингдек узлуксиз таълим тизимини ўкув адабиётларининг янги авлоди билан таъминлаш юзасидан 2017 йил 4 мартдаги ПФ-2829-сон Фармонини бажариш юзасидан ҳамда Давлат таълим стандартлари талабларига жавоб берадиган замонавий ўкув адабиётлари ва ўкув-методик кўлланмаларни тайёрлаш, нашр этиш ва таълим муассасаларини улар билан таъминлашнинг комплекс тизимини яратиш максадида Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги бўйруклари қабул килинди [3,6].

Ўкув адабиётларининг янги авлодини яратишга чет эл инвестициясини жалб килиш бўйича ҳам бир қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Жумладан, Осиё тараккиёт банки лойихаси доирасида касб-хунар колледжлари учун ўкув адабиётларини яратиш ишлари кенг кўламда олиб борилмоқда [40].

Кейинги йилларда касб-хунар таълим муассасалари учун 3300 дан ортик номдаги янги дарсликлар ва ўкув кўлланмалар нашр этиб таълим жараённига жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан замонавий ўкув адабиётларни яратиш бўйича муаллифлар малакасини ошириш семинарлар, хорижий давлатларга хизмат сафарлари ташкил этилмоқда.

Хозирги пайда Ўрта махсус касб-хунар таълими тизими учун яратилаётган ўкув адабиётлари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги таълим муассасалари орасида илмий методик бирлашмалар мувофиқлаштирувчи кенгащда экспертизада ўтказилади ва нашрга тавсия этилади. Олий ва касб-хунар таълими тизимида тайёрлов йўналишлари бўйича фанларнинг ўкув адабиётлар билан таъминланганлиги ҳамда уларнинг сифатини баҳолаш бўйича Республика “Дарсликлар мониторинги” ташкил этилган [7].

Касб-хунар таълимида кичик мутахассисликлар тайёрлашда махсус фанлар ўкув адабиётлари асосий ўқитиш манбай хисобланади. Махсус фанлар ишлаб чиқариш таълими асоси бўлганлиги учун, таълим жараённига катта таъсир кўрсатади

Касб-хунар таълимидаги маҳсус фанлардан ўкув адабиётларини яратиш бўйича ўтказилган тадқикотлар ва таҳлили шуни курсатдики, олий таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган тажрнбали муаллифлар касб-хунар коллежлари учун ўкув адабиётларини яратища кичик мутахассисларни тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятларини ва уларга қўйиладиган дидактик ҳамда психологияк талабларни зътиборга олишмаган. Ушбу муаллифларнинг дарслклари илмий жихатдан чукурлаштирилган бўлиб, мазмунни ва тузилиши жихатидан олий таълим маҳсус фанлари дарслигига ўхшаб қолган.

Ўкув адабиётлари сифатини баҳолаш муаммоларига қаратилган алабиётлар таҳлили шуни курсатдики, дарслкларни баҳолашнинг илмий усуллари ўтган асрнинг I чи ярмидан бўён олимлар ва педагоглар диккатида бўлган. Ҳозирги даврга қадар ҳам баҳолашнинг илмий асосланган ягона методикаси йўқ. Асосий кийинчилик шундаки, баҳолашнинг аник мезонлари, баҳолаш маълумотларини йигиши, таҳлил қилиш ва умумлаштиришининг кулаг усуллари ишлаб чиқилмаганлигидадир [113].

Маълумки, Республика мизда ўкув адабиётларнинг сифатини баҳолашнинг самарали тизимини яратиш бўйича катор илмий изланишлар ва тажриба ишлари олиб борилмоқда, аммо ҳозирга қадар ушбу йўналиш аник бир маълум тўхтамга келингани йўқ ва бу муаммо таълим тизими олдида турган долзарб масалалардан бири хисобланади.

Шуни таъкидлаш жоизки дарслклар сифатини баҳолаш ва таҳлил этишга қаратилган илмий изланишлар жуда кам. Яна характерли жихати шундаки, ҳозирги пайтгача ишлаб чиқилган баҳолаш мезонлари факатгина маҳсус фан дарслгининг тузилмасига йўналтирилгандир.

Шунингдек ўкув адабиётларини яратиш ва уларнинг сифатини баҳолаш ўртасидаги узвий алокадорликни ўрнатиш баҳолашнинг турлари, методлари, воситалари ва шаклларини тўғри танлаш, ҳамда улардан самарали фойдаланиш, экспертиза жараёнини лойихалаштириш ва ўтказишнинг ташкилий услубий йўл-йўрикларини ишлаб чиқиши асосий вазифалардан хисобланади.

Шунинг учун ҳам ҳозирги давр касб-хунар таълими назарияси ва амалиётининг ривожланишида, ҳамда янги педагогик технологияларининг жорий этилишида ўкув адабиётларини амалий

экспертизадан ўтказишнинг илмий-услубий асосларини ишлаб чикиш долзарб муаммолардан бири бўлиб колмоқда.

Юкоридаги тафсилот ва таҳлиллардан келиб чиккан ҳолда қайд этилган муаммоларга каратилган илмий изланишлар танланган мавзунинг долзарблигини аниқлади.

Монографиянинг назарий гояларини ишлаб чикишда бир катор мутахассис олимлар, педагоглар, методистларнинг, жумладан касб-хунар таълими муаммолари бўйича У.Нишоналиев, У.М.Иноятов, А.Р.Ходжабоев, Р.Х. Жўраев, Х.Ф. Рашидов, С.Я.Батишев, А.П.Беляева, ўкув адабиётларини яратиш назарияси Б.М.Мирзахмедов, Қ.Т. Олимов, В.В.Краевский, У. Мусаев, И.Я.Лернер, Н.Ф.Талўзина, М.Н.Скаткин, Б.Ю. Ҳодиев; ўкув адабиётларининг сифатини текшириш ва баҳолаш бўйичад.Шодиев, Р.Сафарова, М.Рихсиев, А.Ф. Марасулов, С.Гуломов, Э.Назаров, Н.Халилов, Ф.Жерар, А.К.Кусаиновлар ўкув материали ва унинг турли шаклларини лойихалаш муаммоси М.Махмудов; дарсликларнинг йўналтирувчи аппаратини такомиллаштириш Г.Бейлинсон томонидан тадқик килинган, кичик мутахассислар тайёрлашда ўкув-услубий таъминоти бўйича В.П.Беспалько, А.Р.Ходжабаев ва бошка олимлар илмий тадқиқотлар олиб борганлар.

Тадқиқот ишларини ўрганиш таҳлили шуни кўрсатдики, касб-хунар таълимида маҳсус фанлар ўкув адабиётларини сифатини баҳолаш муаммолари етарли даражада ўрганилмаган. Ўкув адабиётларини амалий экспертизадан ўтказиш методикалари хамда баҳолаш мезонлари ишлаб чикилмаган ва илмий-услубий жиҳатдан асосланмаган.

Тадқиқотнинг методологик асосини Узбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги конуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримовнинг кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга багишлиланган асарлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълимга оид қабул қилинган карорлари, Давлат таълим стандартлари», «Узлуксиз таълим тизими учун ўкув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепцияси», касб-хунар таълимини ривожлантириш тўғрисидаги Низомлар, меъёрий хужжатлар ва тадқиқотлар. ўкув адабиётларининг янги авлодини яратиши ва уларнинг сифатини

баҳолаш мұаммолосынанда каратилған Республикалық жаһандық олимпиадалардың ишлары тақдымаласынан да өткізу мүмкін болады.

Монографияның илмий яңгилигі:

- махсус фанлардан замонавий ўқув адабиётлари яратылуына аудио-видеоматериалдардан сипатиң баҳолаш мұаммолары назарий жиһатдан асосланды;
- махсус фанлардан ўқув адабиётлари сипатиң баҳолаш тамойилларына жиһатдан асослаған берилди.
- касб-хунар колледжлеридегі махсус фанлар ўқув адабиётларини амалий экспертизасынан ўтказып методикасын ишлаб чиқылды;
- махсус фанлар ўқув адабиётлари сипатиң баҳолаш мезонларына жиһатдан аудио-видеоматериалдардан сипатиң баҳолаш мезонларын анықтаудың методикасын ишлаб чиқылды;
- махсус фанлар бүйінчекі электрон дарсلىктарнан экспертиза дағы ўтказып методикасын ишлаб чиқылды;
- замонавий тағылым талаблары асосынан касб-хунар колледжлерінде ўқув адабиётлары яратылды.

**Амалий ахамияттың негізі.** Касб-хунар тағылымда махсус фанлар бүйінчекі ўқув адабиётлары сипатиң баҳолаш методына жиһатдан аудио-видеоматериалдардан сипатиң баҳолаш мезонларын анықтаудың методикасын ишлаб чиқылды. Амалий ахамияттың негізінде касб-хунар колледжлерінде «Либос композициясы» фанидан ўқув құлланма жиһатынан және «Кийимни лойихалаш асослары» электрон мультимедиа дарсلىгінде ўқув адабиётларының яратылған оид илмий-услубиң тәсвирларын шунингдегі махсус фанлардан ўқув материалдарын ишлаб чиқылды.

## **1-БОБ. МАХСУС ФАНЛАРДАН ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИНИ ЯРАТИШ ВА УЛАРНИНГ СИФАТИНИ БАҲОЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

### **1.1. Касб-хунар таълимида маҳсус фанлардан замонавий ўқув адабиётларининг яратилиш ҳолати**

Касб-хунар таълими сифаги ва самарадорлик даражасини янада ошириш учун ўқув-меъёрий ҳужжатларни мазмунан кайта кўриб чикиш ва такомиллаштириш ҳамда бугунги кун талабларига мос янги авлод ўқув адабиётларини яратишни такозо этмоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллый дастурида таълим-тарбия жараённи меъёрий ҳужжатлар асосида, ҳамда миллый истиқлол ғояларига мувофик амалга оширилиши алокида белгилаб кўйилган [5].

У.И.Иноятов тадқикотларида касб-хунар таълимида кичик мутахассислар моделини ишлаб чикишда шахс, давлат ва жамиятнинг кўйидаги эҳтиёж белгиларини, яъни муайян шахс таълим оладиган йўналиш бўйича Ўрта маҳсус ва касб-хунар таълими стандартлари, тармок таълим стандартлари, касб ва ихтиносликлар бўйича таснифлагич талабларини эътиборга олиш зарур. Албатта, ишлаб чиқилган модел битирувчининг касбий-шахсий сифатини назорат килиш тизимини ва назорат килиш технологиясини камраб олиши кераклиги алоҳида таъкидланади [41].

Шунингдек касб-хунар коллажларида кичик мутахассислар тайёрлаш моделини ишлаб чикишда ўқувчиларнинг мустакил таълим олиш ва ижодий ҳамда меҳнат фаолиятини ривожлантиришга асосий эътиборни яратиш керак.

Хозирги даврда ўқув жараённида узвийлик ва узлуксизликни ҳамда фанларнинг ўзаро кетма кетлигини таъминлаш, ўқув дастурларини такомиллаштириш ва уларга мос равишда янги ўқув адабиётларини “Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепцияси” асосида яратишни ташкил этиш долзарб вазифалардан хисобланади.

Касб-хунар таълимида ўқув адабиётларни яратилиш ҳолати ва тадқикотларини таҳлил килишдан олдин маҳсус фанларнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида тўхталамиз.

Касб-хунар таълимида етакчи компонентларга қараб фанларни қўйидаги гурухларга ажратиш мумкин:

6) Жиҳоз ва ускуналарни ишлатиш. Ўрнатиш ва созлашга ўргатиш.

7) Мехнат маданияти, иш ўрнини ташкил этиш тўғрисида маълумотлар бериш.

8) Ўкувчиларда меҳнат унумдорлигини ошириш, иш сифатини яхшилашга мустақил харакат килиш хиссини ўйготиш.

Юкоридаги хусусиятлардан келиб чиқсан холда маҳсус фанлар мазмун ва моҳиятига кўра қўйидаги гурухларга ажратиласди [83];

1. Ўкув материалида техникага боғлик масалалар ёритилган маҳсус фанлар. Буларга ишлаб чиқаришда кўлланиладиган машиналар ва ускуналарнинг тузилишлари, ишлаш принциплари, созланишлари, ҳамда ишлатиш қоидалари; меҳнат воситалари, мосламалар, асбоблар ва улар кисмларининг тузилишлари; меҳнат обьектлари хисобланган машина ва ускуналарни ўрнатиш, йигиш, таъмирлаш, созлаш методлари ва усуллари; меҳанизм ва деталларни қайта тиклаш, ҳамда таъмирлашнинг замонавий усуллари ёритилган ўкув материаллари киради.

2. Ўкув материалларида маҳсулот ишлаб чиқариш технологиясига боғлик масалалар ёритилган маҳсус фанлар. Буларга алоҳида касбларнинг бутунлигини тавсифлайдиган технологик ва меҳнат жараёнлари, уларни амалга ошириш, назорат килиш ва бошкариш тавсифлари; ҳавфсизлик қоидалари, ишлаб чиқариш санитарияси ва гигиенаси, ҳамда меҳнат конунчилиги асослари киради.

3. Ўкув материалида ҳом ашё материалларига боғлик масалаларни ёритувчи маҳсус фанлар. Буларга ишлаб чиқаришда кўлланиладиган турли материаллар ва ҳом ашёларнинг кимёвий-физиковий хусусиятлари, механик-технологик хоссалари ва тайёрланиш технологиясини ёритувчи ўкув материаллари киради.

4. Ишлаб чиқариши ташкил этиш, бошкариш ва иқтисодиёти тўғрисида ўкув материалларини ўзида камраб олган маҳсус фанлар. Ушбу гурухга барча касблар бўйича малакали кичик мутахассисларни тайёрлашда ўрганиладиган ишлаб чиқариш, меҳнатни ташкил этиш ва иқтисодиёти асослари бўйича ўкув материаллари, хўжалик ва ишлаб чиқариши ташкил этиш, юритиш, бошкариш ва ахборот технологиялари, илгор услублар ва бошқаларни киритиш мумкин.

Касб-хунар таълимида маҳсус фанлар ўзининг кўпгина белгилари, яъни мазмуни, максад ва вазифалари, таълим методлари

ва воситалари, ўқитиш жараёнининг ташкил этилиши, ўтказилиш жойи, жиҳозланиши, шакллари, тузилиши, ажратиладиган вакти билан ҳам умумтаълим фанларидан кескин фарқ килади.

Демак касб-хунар таълими учун маҳсус фанлардан ўкув адабиётларини яратишда ва уларни экспертизадан ўтказишида ҳам ўзига хос ёндашуви талаб этади.

Ўкув адабиётлари, факат илмий-техникавий ва ижтимоий – сиёсий билимлар манбаигина булиб колмай, ўшларни маънавий, маданий руҳий-эстетик, ижтимоий-иктисодий, ватанпарварлик, иктиносий-сиёсий, инсоний ва бошқа жиҳатларини тарбиялашнинг кудратли омилидир [127].

Кадрлар тайёрлаш миллй модели талабларига мувофик узлуксиз таълим тизимида жорий этилган янги давлат таълим стандартлари асосида ишлаб чиқилган «Узлуксиз таълим тизими учун ўкув адабиётларнинг янги авлодини яратиш концепцияси»нинг асосий вазифаларига ўкув адабиётларнинг янги авлодини яратиш учун илмий-гоявий, услубий-дидактик, психологик-педагогик, санитария-гигиеник талабларни ишлаб чикиш, ўкув адабиётларидан тўғри ва рационал фойдаланиш максадида уларнинг мавжуд шакллари ва турларига аник таърифлар бериш, ҳамда мамлакатимиз миқёсида замонавий ўкув адабиётларини тайёрлаш буйичадастурларни амалга ошириш учун стратегик масалалар кўламини аниклаш киради [5].

Хозирги даврда касбий педагогиканинг ривожланиш боскичида, ҳамда янги педагогик технологияларининг жорий этилишида ўкув адабиётларнинг янги авлодини яратиш билан бир каторда уларнинг сифатини баҳолашнинг илмий-методик асосларини ишлаб чикиш долзарб муаммолардан бири булиб колмоқда.

Касб-хунар таълими учун маҳсус фанлар буйинча ўкув адабиётларни яратиш ва уларни экспертизадан ўтказиш муаммоларига тўхталишдан олдин, педагогик адабиётлар ва илмий тадқикот ишларидаги «дарслик» тўгрисидаги баъзи тушунчалар хакида фикр юритдик.

Ўкув адабиётларини яратиш ва уларнинг сифатини баҳолаш муаммолари билан шугулланувчи олимлар илмий ишларида дарслик турлича таърифланган: «Дарслик ўкув материалиини ва у билан ишлаш методикасини тавсия этади, ҳамда ўқитувчига ўкув материалиини ўқигиши ва ўргатиш, ўкувчига эса ўрганиши ва

ўзлаштириш усулларини тақдим этади. Бошкача килиб айтганда, дарсликда таълим максадлари мазмун ва методлар кўриннишида мужассамлаштирилади» [57,68].

Таълим талабларини бажариш ва ўкув материалини мустаҳкамлашда ўқитувчи учун дарслик энг яхши ёрдамчи восита ҳисобланади. Сифатли дарсликнинг ҳар бир мавзуси ўзига хос яхлит ва тўлик ўкув материалини ўзида камраб олади [16].

Г.И.Саранцевнинг фикрича ҳозирги даврда дарслик тузилмаси ва таълим мазмунин қандай бўлиши керак?, ўкув материалини ўрганиш методикаси кайси шаклда ташкил этилиши керак? Дарсликда топшириклар тизими қандай бўлиши керак? каби масалаларни “Фанни ўқитиш методикаси” предмети ўрганиши керак. Методикада ўкув материалининг узатилиш шакли таълим ва тарбия масалаларини ечишга карагилга педагог ҳамда ўкувчи ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятини ўз ичига олиши керак [116].

Л. Тюрина ўз мақоласида сифатли дарслик яратиш учун амал қилиш лозим бўлган куйидаги асосий талабларни келтиради:

-илм ва фан ривожланишининг асосий йўналиши, натижаларига ва унинг замонавий ҳолатига мос келиши;

- фанга оид мажбурий билимлар йигиндинини белгилаб берувчи таълим стандартлари талабларига мос келиши;

-маъруза ва амалий машгулотларни мустаҳкамлашга ҳамда мустакил ишлашни рагбатлантиришга йўналтирилганлиги;

- мавзуларнинг аниқ белгиланиши, зарур маълумотлар ва адабиётлар келтирилиши [18]

Ушбу талаб ва ёндашувлардан кўриниб турибдики, дарсликларни яратиш жараёнини ўқитиш моделлари билан узвий боғликларда кўриб чикиш лозим.

В.П.Беспальконинг таъкидлашича: «Дарслик – ахборотли модел бўлиб, унда педагогик тизимнинг куйидаги тўртта элементи; яъни ўқитиш мақсадлари, ўқитиш мазмуни, дидактик жараёнларни танлаш ва ишлаб чикиш. ўқитиш шаклларини ташкил қилиш каби жихатлар ўз аксини топади. Бунда дарслик ўкувчининг имкониятини инобатга оловчи ўқитиш воситаларидан бири ҳисобланади».

С.Г.Шаповаленко ва Н.Ф. Тализиналар «Дарслик – бу ўкувчилар учун мўлжалланган бўлиб, фаннинг илмий асосларини ўргатиш воситасидир. Дарсликда қайсидир даражада ўкув предметини ўқитиш методикаси ёритилади» ёки «Дарсликни

яратиш – бу ўкув тарбия жараёнини лойихалаштиришdir» деб хисоблайдилар [131,121].

Дарслік мұайян ўкув фаны бүйіча асосий билим манбаи булиб, у билимларни ўкувчилар томонидан мұстакил ўзлаштириб олиннишига мұлжалланған. Ўкув күлланмалари (масала ва машқулар түпласмлари, лаборатория практикумлари, хрестоматиялар, лойихалаш учун күлланмалар, ўкув лугатлари, атласлар ва бошқалар) ёрдамида олинған билимларни мустақамлаш ҳамда уларни күллаш ўкувларини ривожлантириш, мұайян мұаммолосарни ечиш ва бошқалардан иборат ўқитиши-тарбиялаш жараённан күзде тутилған масалалар ечнәді. Демек, ўкув адабиёттің билимлар йигіндиси эмас, балки уларнинг тизими бағнан киленади [127].

В.В. Краевский ва И.Я.Лернерлар илмий адабиётларыда «Дарслік бутун ўкув жараёнини ташкил килиш учун хизмат килади» ёки «Дарслікда нафакат ўкувчининг фаолияти, балқи ўқитувчининг фаолияти ҳам дастандаштирилған» [63] деган фикрлар көлтирилған.

А.Р.Ходжабаевнинг илмий тадқиқотларында күра – «Ўкув жараёнини бошқариш тизими сиғатида яратиладиган ўкув-услубий мажмуаларда биринчи навбатда қуйидаги методик гоялар илгари сурілады: алохіда фанларни ўқитишида ұзаро бөгликтік үрнатыш; түрли мутахассисліктер бүйіча ўқитувчини тайёрлашдаги фанларнинг оптималь ахамиятлилігін баһолаш». У ўкув-услубий мажмуанинг асосий компоненти дарслік хисобланади деб тақидлайды [129].

Илмий тадқиқотларда дарслікнинг умумий түшүнчесін қуйидагыча бағнан киленади: дарслік педагогик тизимнинг ахборотлы модели булиб, унда ўкув жараёнининг ўкувчилар бажариши мүмкін бўлган босқичлари ёритилади. Ўкувчилар дарслікдаги матнни ўқиб, унинг таркибидаги машклар ёки топширикларни харакатлар кўринишида бажарадилар, текширадилар, ечадилар, жавоб берадилар ва ҳоказо. Бу харакатлар дарслік матнларыда очик ёки яширин шаклда берилishi мүмкін. Бу демак, дарслікда маълум педагогик жарағн у ёки бу ҳолатда бағнан этилишдан далолат беради. Педагогик жарағн – бу муаллиф томонидан дарслікда маълум даражада акс эттирилған моддий мавжудлик ва янгиликлар» [23].

Табиии фанлар туркумига кируди дарсліклар мазмунидан илмий назариялар, конунлар, түшүнчалар, далиллар, воеа ва

ходисаларнинг тўлиқ ва асосли тақдим этилиши керак. Ушбу дарслекларни баҳолашда асосан “илмий билимлар” ёки «фан асослари» тўлиқ ёритилиши асосий курсатгич сифатида белгиланиши керак [95,45].

Дарслек – бу моддий обьект бўлиб, у маълум бир аник тизимли кўриннишдаги маълумотларни ўзида камраб олади. Буларга илмий билимлар, ўқитиш максадлари, вазифалари ва мазмунларига мувофик фаолият усуллари тўғрисидаги билимлар, таълим берувчи ва таълим олувчи ўзаро таъсирини моделлаштирувчи материаллар киради [125].

Дарслекларнинг янги авлодини яратища Давлат таълим стандарти талаблари ва ўкув дастури хажмида меъёрланган ўкув юкламасининг модели ва тақдим этилаётган ўкув материалларининг таълимий-тарбиявий кийматлигини таъминлаш параметрларига, ўкувчиларни янги билим ва ахборотлар билан қуроллантиришнинг дидактик ва технологик асосларига таяниш максадга мувофикдир [73].

«Дарслек ўкув жараёнининг ўзаги ва ўкув предметининг модели хисобланади. Ундаги ёритилган билим, кўникма, малака ва фаолият усуллари давлат таълим стандартида белгиланган минимумдир. Ушбу минимум даражасидаги кичик мутахассислар тайёргарлиги эса таълимнинг баҳоси хисобланади.

Дарслек давлат таълим стандарти, ўкув дастури, ўқитиш услубияти ва дидактик талаблари асосида белгиланган, миллый истиқлол гояси сингдирилган, муайян ўкув фанининг мавзулари тўлиқ ёритилган, тегишли фан асосларининг мукаммал ўзлаштирилишига замин яратувчи ҳамда турдош таълим йўналишларида фойдаланиш имкониятлари хисобга олинган нашр саналади [134].

Дарслек ўкувчиларнинг Давлат стандартларида ва ўкув дастурларида белгилаб берилган билим, малака ва кўникмаларни фаол ва онгли суратда ўзлаштиришга ёрдам берувчи ҳамда ўкувтарбия жараёнини самарали ташкил этишга каратилган восита сифатида хизмат килиши керак [60].

С.Г. Антонов ўкув адабиётларининг ахборотлар жихатлари ва максадли юлланилишдан келиб чиккан ҳолда ўкув адабиётларини 4 гурухга ажратади. Дастурий-услубий адабиёт; ўкув-услубий адабиёт; таълим берувчи адабиёт ва қўшимча адабиёт. Бирок бу таснифга замонавий таълим талабларига мос ва педагогик

технологиялар асосида яратиладиган янги ўқув адабиёт турлари киритилмаган.

Г.С.Эргашеванинг диссертация ишида умумий ўрта мактабларда биология дарслкларида ўқув материалларини лойихалашнинг дидактик модели, уларга кўйиладиган психологик, дидактик ва методик асослари ишлаб чиқилган [134].

М.Х.Махмудов тадқикотларида дарслклда ўқув материали ва унинг турли шаклларини лойихалаши муаммолари тадқик этилган [71].

А.З. Рахимовнинг тадқикотларида ўқув адабиётларининг янги авлоди кандай хусусиятларга эга бўлиши ва уларга кўйиладиган талаблар келтирилади [99].


Умумий ўрта мактаблар дарслклари янги авлодини сифатини оширишда уларга кўйиладиган талаблар ва ёндашувлар А.А.Абдуқодировнинг [9], дарслклар янги авлодини яратиш муаммоларига каратилган бир қатор талаблар, дарслкларда педагогик технологиялар ифодаланиши ёки ўз аксини гопиши масалалари У.К.Мусаевнинг илмий мақолаларида ёритилган [74].

«Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларнинг янги авлодини яратиш концепцияси» га мувофик «Дарслик – давлат таълим стандарти, ўқув дастури, услубиёти ва дидактик талаблари асосида белгиланган, миллий истиклол \ояси сингдирилган, муайян ўқув фанининг мавзулари тўлиқ ёритилган, тегишли фан асосларини мукаммал ўзлаштирилишига каратилган, ҳамда турдош таълим йўналишларида фойдаланиш имкониятлари хисобга олинган нашр» деб таърифланади [5].

Ушбу концепцияга мувофик хозирги даврда яратиладиган ўқув адабиётларининг янги авлоди мустакил карор кабул килувчи шахсни шакллантиришга йўналтирилган бўлиши керак.

Бугунги кунда техника ва технологияларнинг тез ўзгариб бориш ва билимларнинг янгиланиши касб-хунар коллежи ўқувчиларининг замонавий шароитларга мослашиш кўникмасига эга бўлиш ва янги билимларга интилишни талабини кўяди.

Ш.Курбоновнинг фикрича, хозирги дайтдаги ўқитишни ташкил этиш шакли мустакил таълим ёлиш кўникмасиги шакллантиримайди. Бу ҳол эса таълим ол виляларни вугуловчи ривожлантиришга салбий таъсир курсатиб, уларда таълимнинг эттиришт хосилини камайтиради [56].



Қ.Т.Олимов мустакил ва мунтазам таълим олиш бугунги күн учун мухим аҳамиятга эга бўлиб, таълим концепциясининг ўзгариш боскичида «бутун ҳаёти учун билим олишдан—бутун ҳаёти давомида билим олиш» талабини кўяди, деган фикр билдиради [83].

Хорижий тадқикотчилар бутун ҳаёти давомида таълим олишбу бошлангич, умумий ўрга, касб – ҳунар ва олий таълим йигинидиси эмас, балки инсоннинг бутун ҳаёти давомида таълим олишни шакллантиришни кўзда тутади. Улар таълим олиш бутун ҳаёти давомида узлуксиз жараён бўлиши кераклигини таъкидлайдилар [135,136,137].

М.С. Савина бугунги педагогиканинг назарий фандан ҳаётий аҳамиятга эга амалий фанга айланиши янги яратиладиган ўкув адабиётлари инсоннинг бутун ҳаёти давомида билиб олишга ўргатишга йўналтирилиши керак деб хисоблади [103].

Бир қатор тадқикотчилар фикрича, ўқувчиларда мустакил фикрлаш, мақсадга интилиш, ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш.колледждан ташкари таълим олиш имкониятларини ҳам яратиш касб-ҳунар таълими муассасаларининг асосий вазифаси бўлиши керак [14,26,33,53,136,137].

С.Г.Антонова ва А.Г.Тюриналар замонавий таълим шароитидаги педагогик ўзгаришлар ўкув адабиётларининг янги авлодини яратишни талаб этади. Бу эса дарслекларнинг ихтиёрий характердаги тушунчаларни аниклашга ва уларни асосий функциялар қаторига киритишга олиб келади. Дарслекларни яратишда замонавий таълимнинг бир қатор мезонларига эътиборни каратиш керак деб таъкидлайди.

Дарслек ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро ҳамкорлигини таъминловчи ўқитиш воситаси хисобланди. Янги педагогик технологиялар асосида яратилган дарслек самарали ўқитиш воситаси бўлиб хизмат қилиши мумкин.

“XXI аср дарслиги” ҳамда В. Паронджанов асарида қуйидаги фикр билдиришади: ҳозирги даврда сайдрамиз аҳолисининг янги авлодлари учун янгича билим ва маълумотларга эга бўлиш зарур бўлади. Табиий, техник ва ижтимоий-гуманитар фанларнинг барча соҳаларида аввалги стандартлар билан тақкослаб бўлмайдиган даражада улкан ҳажмдаги билимларни эгаллашга тўғри келади. Бирок ҳозирги таълим усуслари ва технологиялари ва ўкув адабиётлари бунга жавоб бермайди.

Агар олдинги таълим тизимида дарслик, ахборот олиш хотирада саклаш ундан ўкиш ва кўчириш вазифаларини бажарган бўлса, ҳозирги таълим шароитида дарслик фикрлаш ва амалий фаолият орқали тахсил олиш, тахлил килиш орқали маълумотни эслаб қолиш, мазмунни тушуниш ва амалий фаолиятга боғлаш, мустакил тажрибалар ўтказиш, янгиликлар топишга йўналтирилган бўлиши керак.

Б.Ю.Ходиев фикрига кўра замонавий дарслик таълим жараёнини сезиларли жадаллаштиришга имкон яратувчи восита сифатида хизмат килиши керак.

Замонавий дарслик ўзида «ўкувчиларнинг дарслик билан мустакил ишлаш дастурини ва ўз-ўзини билимини текшириш тизимини» камраб олиши керак [28].

Т.С. Назарова, Ю.П. Господариклар фикрича замонавий дарслик мустакил билим олишни ташкил килиш учун шаронт яратиш, ўкувчиларда табакалаштирилган ёндашув асосида ижодий фикрлашни ривожлантиришга йўналтирилиши керак. Муаллифлар замонавий дарсликнинг функцияси ахборот узатиш эмас, балки мустакил таълимга ёндашган ҳолда ўқитувчи ва ўкувчининг фаолиятини ташкил килишдан иборат бўлиш керак деб таъкидлайдилар [76].

Ф.М. Жерар ва К. Рожъелар «дарслик ўкувчиларда мустакил ишлаш кўнимкамаларини ривожлантириши, турли үрганиш услубларини тавсия этиши, олган билимларини амалиётга кўллашни тақдим этиши керак» деб хисоблайдилар [128].

Б.М. Мирзахмедов “Замонавий таълимнинг ривожланиш боскичида дарсликлар янги авлодини яратиш бўйича педагогик ўзгаришларни ўрнатишни талаб этади ва ушбу ўзгаришлар орқали ўқув адабиётларини тахлил килиш критериялари ва шакллари аникланади. Яхши ёзилган дарслик ўқув жараёнидаги кўп муаммо ва кийинчиликлардан холос этади, ўқитиш самарадорлигини оширади, ўкувчиларнинг билимларини тизимлаштиришни таъминлайди, ижодий қобилиятларини ривожлантиради, ҳамда касб қизикишини кучайтиради [75].

Б.А.Альмухамбетовнинг фикрича муаллиф яратадиган дарслик мазмунини услубчилар ва амалиётчи ўқитувчилар билан чукур тахлил этиш, ўқув материалининг дидактик талабларга ва ўкувчилар ёшига мос келишига эътиборни карагашлари керак.

Янги ўкув адабиётини яратишдан мақсад ўқитувчи ва талаба (ўкувчи) ўргасида фикрларнинг мантиқий баёни жараённида ўзаро боғликларни таъминлаш, талабани мустакил фикрлашга ўргатиш, уларнинг тафаккурини ривожлантириш, фаолиятида ижодий ёндашиш кўникмаларини ҳосил килиш ва замонавий билим асосларга эга бўлишини таъминлашга қаратилган [60].

Тадқиқотчилар “бугунги кунда кўпигина профессор-ўқитувчилар ўкув адабиётларидан фикрлар, мулоҳазалар келтириш билан кифояланадилар. Ваҳоланки, танқидий мулоҳаза юритишига хар доим имконият мавжуд, чунки, муаммо бозор муносабатлари таъсир кўрсатиб турадиган бир пайтда тез ва доим ўзгариб туради” каби фикрларни ҳам билдирадилар [11].

Қ.Т. Олимовнинг фикрига кўра касб-хунар таълимида маҳсус фанлар дарслклари ўкувчиларда шахсий ва касбий фаолиятлар бўйичабилим, кўникма ва малакаларни ривожлантиришга йўналтирилган бўлиши, мазмунида «Фаолият усуллари»нинг тўлик ёритилиши, мустакил таълим омилининг турли самарали методларини тавсия этиши, олинган билимларни амалиётда кўллашни ва фанлараро интеграцияни таъминлаши керак [81].

Ҳакиқатдан ҳам замонавий таълим шароитида шахс нафакат тушунтирувлар ва намойишлар ёрдамида, балки мустакил фаолият ва амалий таъсирлар жараённида шаклланиши керак.

Замонавий таълим ўқитувчидан маҳсус фаннинг ўкув мақсадлари ва аҳамиятини тушунтира олиш, ўкувчиларни касбга кизиктириш ва йўналтириш, мустакил таълим олишларини ташкил этиш, ўкувчилар билим ва кўникмаларини доимий баҳолаб боришни талаб этади. Шунинг учун ҳам ўкув адабиётлар янги авлодини яратиш ва уларнинг сифатини баҳолаш муаммоларини кўтара туриб, биз замонавий таълимнинг вазифаси ва мақсадини яққол тассаввур кила олишимиз керак.

Касб-хунар коллажларида фойдаланилаётган маҳсус фанлар ўкув адабиётлари бўйича ўтказилган тадқиқотлар ва таҳлиллар шуни кўрсатдики, баъзи маҳсус фан ўкув адабиётларидан касб-хунар коллажлари ўкувчилари ёш ва индивидуал хусусиятларини эътиборга олинмаган. Баъзи маҳсус фан дарслклари мазмуни илмий жиҳатдан чуқурлаштириб юборилган. Шу сабабли ҳам хозирги пайтда касб-хунар коллажларида фойдаланилаётган маҳсус фан ўкув адабиётларининг бир кисми мазмунни

бакалавриатда ўқигиладиган махсус фан ўқув адабиётларига үхшаб колган.

Юкоридагилардан хуоса киладиган бўлсак касб-хунар коллажлари махсус фанларидан яратиладиган ўқув адабиётларининг замонавий авлоди ўқув материалини ўқувчилар томонидан мустакил ўзлаштириб олиннишига самарали хизмат килиши, ўқув материали билимларни ўзлаштиришнинг педагогик ва психологик конуниятларини хисобга олган ҳолда баён килиниши керак.

## **1.2. Касб-хунар таълимида махсус фанлар ўқув адабиётлари сифатини баҳолаш муаммолари**

Замонавий таълим шароитида касб-хунар таълими учун ўқув адабиётлари ўқувчиларни мустакил ва эркин фикр юритишга, ҳамда уларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилиб, илм ва фаннинг сўнгги ютуклари асосида яратилиши керак.

Ўқув адабиётларини яратиш ва уларнинг сифатини баҳолашга доир бир катор [32,42,45,52,54,91,132,133] илмий тадқикот ишлари таҳлили шуни кўрсатдики. таълим мазмунини сифатини таъминлашнинг ва самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишларидан бири дарслик ва ўқув кўлланмаларнинг замонавий авлодини яратиш, амалда жорий этиш ва уларни экспертизадан ўтказишдан иборатдир. Экспертизадан ўтказилиб камчиликлар тузатилган ва такомиллаштирилиб яратилган дарслик албатта таълим жараёнида ўз ўрнини топади.

Ўқув предметининг асосида ўқув мақсадлари ва мазмуни, ўқув жараёнининг асосий йўналишлари ҳамда асосий дидактик тамойиллар, педагогик технологиялар ва тарбия назариясининг асосий элементлари ётади. Шу нуткаи назардан касб-хунар таълимидаги махсус фанлар дарсликларининг сифатини баҳолаш мониторингини ишлаб чикиш ва илмий-назарий асослашни асосий вазифалардан бири хисобланади [106].

Касб-хунар коллажларида ўқувчилар томонидан фанлар бўйича ўқув материаллари ўзлаштирилганлигини, кўнишка ва малакалар ҳосил бўлганлигини текшириш ва баҳолаш таълим жараёнининг зарур таркибий қисми ҳисобланади. Бу факат ўқитиш натижаларини назорат килиш эмас, балки ўқув жараёнининг турли

боскичларида таълим олувчиларнинг билим олиш фаолиятига раҳбарлик килиш ҳамдир.

Баҳолаш – таълим жараёнинг маълум боскичида ўқув мақсадларнга эришилганлик даражасини олдиндан белгиланган мезонлар асосида ўлчаш, натижаларини аниқлаш ва таҳлил килишдан иборат жараёндир [25].

Баҳолаш қўйидаги мақсадларда амалта оширилади:

- ўқув мақсадларнга эришилганлик ва кейинги боскичга ўтишдан олдин аввалги ўзлаштириш даражасини аниқлаш учун;
- ўқув натижаларга эришганлигини тасдиқлаш учун;
- таълим жараёнидаги ютуқ ва камчиликларни аниқлаш учун;
- ўқитувчи ўз фаолиятини ривожлантириши учун;
- ялпи ўзлаштириш даражасини аниқлаш учун;
- ташки кизикувчиларга, иш берувчиларга, юкори ташкилотларга ва ота-оналарга маълумот бериш.

Таълим муассасаларида назарий билимлар, амалий кўникма, малакалар ва хулқ-атвор ва шахсий фазилатлар баҳоланади.

Ўқувчиларнинг дарслчидаги ўқув материалини ўзлаштирганлик даражасини текшириш ва баҳолаш муайян дидактик талабларга жавоб бериши керак. Шунингдек текшириш ва назорат килиш системали, доимий тарзда бўлиши шарт. Бу талабга риоя этилмаса, таълим олувчиларнинг ўқув материалларини ўрганишга нисбатан муносабати ёмонлашади, билимларнинг сифатига салбий таъсир қиласи.

Баҳолаш индивидуал характерга эгадир. Ҳар бир таълим олувчи ўрганаётган ўқув материали бўйича эгаллаши керак бўлган билим, кўникма ва малакалари баҳоланаётганини билиши керак. Таълим олувчининг маҳсус фан дарслигидаги назорат саволлари ва топширикларга жавоб беришга мустақил тайёргарлик кўриши ва унинг тайёргарлик даражасининг баҳоланиб бориши ўқув жараёнининг мухим бир бўлагига, унинг таркиби кисмига айланиши лозим.

Демак, баҳолаш моҳияти ва мақсадларидан кўриниб турибдики таълим сифатини таъминлаш ва самарадорлигини оширишда янги авлод ўқув адабиётларини яратиш ва амалда жорий этиш ҳамда уларнинг сифатини баҳолаб бориш мухим ахамият касб этади.

В.А.Канке ва Н.Н.Пахомовларнинг фикринга кўра замонавий таълим шаронтида хозирги ўқув адабиётларни баҳолаш методикаси

конкітирмайды. Бугунги кунда мұаллифлар дарсلىклар баҳолашда қўйидаги мезонларга асосланишларини тавсиятадилар:

- назарий ўкув материалиниң долзарб ёки муаммо ёритилганилиги;
- фаннинг сўнгги ютукларидан фойдаланилганилиги;
- фан дастурларидағи мавзуларни тўлик камраб олиниши;
- назария ва амалиётнинг ўзаро боғликлиги;
- боблар ва мавзуларнинг ўзаро боғликлиги [47].

Бир катор мутахассислар дарсلىкларни баҳолашда ўкувчила ва ўқитувчиларнинг фикр ва мулоҳазалари бўйича тавсия этилга мезонларни ҳам инобатга олиш мухим деб ҳисоблайдилар.

Р.Казакова ва Л.Тюриналарнинг илмий маколасидекелтирилган маълумотга кўра мутахассислар ва эксперталар ўқудабиёнлар сифатини баҳолашда қўйидаги кўрсаткичларга: яън мұаммонинг қўйилиши, ахборотнинг янгилиги, фундамента билимлар ва ўкув материалининг баён этилиш шакли, нашриёт тасвирий материаллар сифати ва мұаллиф тўгрисидаг маълумотларга эътиборни каратадилар [48].

Г.Ш.Шадринанинг таъкидлашича дарслик ўкувчиларнин назарий билим ва амалий малакага эга бўлишларини таъминловч асосий ўқитиш воситаси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ўқити жараёнига ва унинг натижасига бевосита таъсир килувчи омиллардан бири дарслик сифати ҳисобланади [31].

Б.Ю. Ходиев ўкув материалларининг тушунарлилигини ошириш учун уларнинг эргономик сифатини оширишини таклиф этди ва қўйидаги коидани таклиф этди. Ўкув ахборотларинин тушунарлилигини ошириш учун билимларни тасаввур килишини шударажада ўзгартириш керакки, ўкув материалининг берилга мазмунни, матни, формула ва чизмалар ёрдамида мукобиз (эргономик) ўйгунлашув акс эттирилсин [131].

Козокистон олимлари ва тадқиқотчилари томонидан мактаб дарсلىклари ва ўкув-услубий мажмуялар янги авлоди сифатини баҳолаш мониторингини ўтказиш бўйича кўрсатмалар, дарслик ҳар бир боби ва параграфлари мазмунини баҳолаш учун илмий асосланган мезонлар ишлаб чиқилган [90]. Ушбу экспертиза жараёнида камчиликлари аниқланган ва тавсиялар инобатга олинган бир нечта дарсلىклар янги авлоди ярагилган.

босқичларида таълим олувчиларнинг билим олиш фаолиятига раҳбарлик килиш ҳамdir.

Бахолаш – таълим жараёнинг маълум босқичида ўкув максадлариға эришилганлик даражасини олдиндан белгиланган мезонлар асосида ўлчаш, натижаларини аниклаш ва таҳтил килишдан иборат жараёндир [25].

Бахолаш куйидаги максадларда амалга оширилади:

- ўкув максадлариға эришилганлик ва кейинги босқичга ўтишдан олдин аввалги ўзлаштириш даражасини аниклаш учун;
- ўкув натижаларга эришганлигини тасдиқлаш учун;
- таълим жараёнидаги ютуқ ва камчиликларни аниклаш учун;
- ўқитувчи ўз фаолиятини ривожлантириши учун;
- ялпи ўзлаштириш даражасини аниклаш учун;
- ўкувчиларни билим олишга қизиктириш учун;
- ташки Кизикувчиларга, иш берувчиларга, юкори ташкилотларга ва ота-оналарга маълумот бериш.

Таълим муассасаларида назарий билимлар, амалий кўнишка, малакалар ва хулқ-автор ва шахсий фазилатлар баҳоланади.

Ўкувчиларнинг дарслчидаги ўкув материалини ўзлаштирганлик даражасини текшириш ва баҳолаш муайян дидактик талабларга жавоб бериши керак. Шунингдек текшириш ва назорат килиш системали, доимий тарзда бўлиши шарт. Бу талабга риоя этилмаса, таълим олувчиларнинг ўкув материаларини ўрганишга нисбатан муносабати ёмонлашади. Билимларнинг сифатига салбий таъсир қиласи.

Бахолаш индивидуал характерга эгадир. Ҳар бир таълим олувчи ўрганаётган ўкув материали бўйича эгаллаши керак бўлган билим, кўнишка ва малакалари баҳоланаётганини билиши керак. Таълим олувчининг маҳсус фан дарслигидаги назорат саволлари ва топширикларга жавоб беришга мустакил тайёргарлик кўриши ва унинг тайёргарлик даражасининг баҳоланиб бориши ўкув жараёнининг муҳим бир бўлагига, унинг таркибий кисмига айланиши лозим.

Демак, баҳолаш можияти ва максадларидан кўриниб турибдики таълим сифатини таъминлаш ва самарадорлигини оширишда янги авлод ўкув адабиётларини яратиш ва амалда жорий этиш ҳамда уларнинг сифатини баҳолаб бориш муҳим ахамият касб этади.

В.А.Канке ва Н.Н.Пахомовларнинг фикрига кўра замонавий таълим шароитида ҳозирги ўкув алабиётларни баҳолаш методикаси

конниктирмайди. Бугунги кунда муаллифлар дарслукларни баҳолашда күйидаги мезонларга асосланишларини тавсия этадилар:

- назарий ўқув материалини долзарб ёки муаммоли ёритилганилиги;
- фаннинг сўнгги ютукларидан фойдаланилганилиги;
- фан дастурларидаги мавзуларни тулик камраб олиниши;
- назария ва амалиётнинг ўзаро боғликлиги;
- боблар ва мавзуларнинг ўзаро боғликлиги [47].

Бир катор мутахассислар дарслукларни баҳолашда ўкувчилар ва ўқитувчиларнинг фикр ва муроҳазалари бўйича тавсия этилган мезонларни ҳам инобатга олиш мухим деб хисоблайдилар.

Р.Казакова ва Л.Тюриналарнинг илмий мақоласида келтирилган маълумотга кўра мутахассислар ва эксперталар ўқув адабиётлар сифатини баҳолашда кўйидаги кўрсаткичларга: яъни муаммонинг кўйилиши, аҳборотнинг янгилиги, фундаментал билимлар ва ўқув материалининг баён этилиш шакли, нашриётга, тасвирий материаллар сифати ва муаллиф тўгрисидаги маълумотларга эътиборни каратадилар [48].

Г.Ш.Шадринанинг таъкидлашича дарслик ўкувчиларнинг назарий билим ва амалий малакага эга бўлишларини таъминловчи асосий ўқитиш воситаси хисобланади. Шунинг учун ҳам ўқитиш жараёнига ва унинг натижасига бевосита таъсир килувчи омиллардан бири дарслик сифати хисобланади [31].

Б.Ю. Ходиев ўқув материалларининг тушунарлилигини ошириш учун уларнинг эргономик сифатини оширишни таклиф этади ва кўйидаги коидани таклиф этади. Ўқув аҳборотларининг тушунарлилигини ошириш учун билимларни тасаввур қилишни шу даражала ўзгартириш керакки, ўқув материалининг берилган мазмунни, матни, формула ва чизмалар ёрдамида мукобил (эргономик) уйғунлашув акс эттирилсан [131].

Қозоқистон олимлари ва тадқиқотчилари томонидан мактаб дарслуклари ва ўқув-услубий мажмуалар янги авлоди сифатини баҳолаш мониторингини ўтказиш бўйича кўрсатмалар, дарслик хар бир боби ва параграфлари мазмунини баҳолаш учун илмий асосланган мезонлар ишлаб чиқилган [90]. Ушбу экспертиза жараёнида камчиликлари аникланган ва тавсиялар инобатга олинган бир нечта дарслуклар янги авлоди яратилган.

Шунингдек А.Кусаинов томонидан “Дарсликлар сифатини баҳолаш мониторинги тизими” модели ишлаб чиқилган ва унинг ҳар бир компоненти илмий жиҳатдан асослаб берилган [58].

Ҳозирга кадар ўкув адабиётлари қўлёзмасининг мазмуни, таркибини экспертиза қилиш учун кўйидаги асосий параметрлари баҳоланганд:

1. Ўкув материалининг таълим стандарти ва фан дастурига мос келиши.
2. Дарслик тузилмасига кўйиладиган талаоблар бажарилиши.
3. Дарслик ўкув матни компонентларининг меъёрий талабларга жавоб бериши.
4. қўшимча матнларининг меъёрий талабларга мос келиши.
5. Иллюстрациялар сифати.
6. Ўкув материали матнининг ўкувчилар томонидан кабул килиниши.

Ушбу кўрсатгичлар бўйича адабиётлар сифати факат эксперторлар томонидан баҳоланди.

Бир катор тадқиқотчилар фикрига кўра ўкув адабиётларини яратиш, апробациядан ўтказиш ва амалиётта жорий этиш учун экспертизани ўтказиш жараёнини сифатли ўтказишни талаб этади. Бунинг учун кўйидаги масалаларни ечишга эришиш лозим:

- Дарсликнинг таълим мақсадига, Давлат таълим стандартига ва фан дастурига мос келишини аниқлаш;
- Дарслик услубий аппарати, мазмуни ва тузилмасининг дидактик талабларига жавоб беришини аниқлаш;
- Дарслик сифати тўғрисида эксперт хуносаларини таҳлил килиш ва асослаш [49].

Ушбу экспертиза асосан дарслик тузилмаси ва мазмуни, ўкув материалини ўзлаштириш аппарати, матннинг кабул килиниши, иллюстрацияси ва йўналтирувчи аппаратини ўрганишга каратилган. Аммо ўкув адабиётининг дидактик аппарати чукур таҳлили ўрганилмаган, педагогик технологиялар ёки педагогик услубнинг жорий этилиши инобатга олинмаган.

К.А. Сармонова дарсликни баҳолаш ва таҳлил килиш учун таккословчи кўрсатгич сифатида боблар мазмуни ва асосий функциялар бажарилиши кабул килиниши, ҳар бир боб эса ўкув дастуридаги мавзуларни, яъни мазмунини тўлик камраб олиши, боблар номи эса фаннинг тузилмаси, мазмуни ва ички ўзаро боғликлар хакида тасаввур бериши керак деб ҳисоблади [105].

Дарсликдаги ўкув материалининг баён этилиши унинг сифатига таъсир килади. Фаннинг илмий мазмунни, ўкув материали ва услубий аппарати матн кўринишда баён этилади. Дарслик мазмунни, хажми ва функцияларининг бажарилишига караб матн уч кўринишда берилади: асосий, кўшимча ва тушунтирувчи матнлар.

Касб-хунар таълими маҳсус фан дарсликларида асосий, кўшимча ва тушунтирувчи матнларнинг тақдим этилиши, шунингдек асосий функциялари К.Т.Олимовнинг илмий тадқикотларида илмий ва услубий жиҳатдан чукур асослаб берилган [80.83.85].

Ўкув адабиётларни яратиш жараёни ва натижаларини назорат килиш мониторинги-ўкув материалини йигиш, ишлов бериш ва таҳлил килиш, улар асосида таълим бериш ва тажриба-синов жараёнини яхшилайдиган карорларни кабул килишни ўз ичига олади [58].

Н.А. Студенкованинг фикрига кўра- дарсликлар сифатини баҳолашда етакчи эксперталар томонидан барча таъсир килувчи омилларни инобатга олиб, илмий асосланган, ҳамда максадга йўналтирилган тартибда ўtkazilgan, экспертиза аник, сифатли ва исботланган бўлиши керак. Дарсликнинг асосий сифат мезони бу ўқитиш натижаси, унинг ривожлантирувчи ва тарбияловчи характеристидир [119].

Ўкув адабиётлари кўлёзмаларини экспертизадан ўтказиш натижалари бўйича дарслик мазмунни, таркиби ва ўкув материалининг кабул килиниш кўрсатгичлари ижобий баҳоланган тақдирда нашрга тавсия этиш мумкин. Агар ушбу кўрсатгичлардан биронтаси экспертизадан коникарсиз баҳоланса, у ҳолда дарслик кайта ишлашга юборилиши керак [79].

Француз олимлари Ф.Жерар ва К.Рожье лар томонидан тавсия этилган коидага мувофиқ дастлаб дарсликни баҳолаш максадлари аниқланиши ва мақсадни рӯёбга чиқарилиши учун экспертиза жараёнининг барча иштирокчилари жалб этилади. Сунгра иштирокчилар вазифалари ҳамда улар амал киладиган баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилади [34].

С.Гуломов, Э.Назаров ва И.Халимовлар томонидан ўкув адабиётларини сифатини баҳолаш мезонлари ва уларни экспертизадан ўтказиш тартиби ишлаб чиқилган [127].

Олий тараккиёт банки лойиҳаси доирасида фаплият кўрсатаетган мутахассислар томонидан касб-хунар коллажлари

учун яратиладиган ўкув адабиётлари күләзмасини баҳолаш мезонлари ишлаб чикилган [70].

Ушбу баҳолаш мезонлар махсус фанлар ўкув адабиётлари сифатини түлаконли баҳолашни таъминламайды. Махсус фан хусусиятларини инобатга олган холда баъзи кўрсаткичларни баҳолаш мезонлари берилмаган.

Биз томондан ўтказилган тадқикотлар асосида дарслекларни яратиш тамойиллари ва унга кўйиладиган дидактик талабларни ўрганмасдан туриб, ўкув адабиётларни экспертиза қилиш ёки баҳолаш ишларини ўтказиш кийинчилик тугдириши анкланди. Шунингдек ўкув адабиётлари сифатини баҳолаш муаммоларига қаратилган адабиётлар таҳлили шуни курсатдики, хозирга қадар ўкув адабиётларини экспертизадан ўтказишнинг илмий асосланган методикаси йўқ. Баҳолаш тамойиллари ва мезонлари, экспертиза натижаларга ишлов бериш методлари ишлаб чиқилмаганигидадир [114].

Яна шуни таъкидлаш жонзки, бутунги кунда электрон дарслекларнинг таълим жараёнига кириб келиши ўкув адабиётларини баҳолашнинг ягона методикасини ишлаб чикиш имкониятини бермайди. Босма ва электрон дарслеклар учун бирбиридан ўлароқ фарқли равища алоҳида баҳолаш мезонларини ва методикаларини ишлаб чикишни талаб этади [28].

Ўкувчиларнинг ўкув материали мазмунини самарали ўзлаштиришларини таъминлашда дарслекнинг турли топшириклар тизими берилishi асосий элементлардан хисобланади. Дарслекдаги топширикларнинг ўкувчилар томонидан мустақил бажарилиши ўкув мақсадига юкори даражада эришишни таъминлайди. Дарслек сифати нафакат ўкув материали мазмунига балки топшириклар сифатига ҳам боғлиқ бўлади.

Касб-хунар таълимида махсус фанларнинг етакчи имконияти бўлган “Фаолият усуллари” характерига караб топшириклар репродуктив, продуктив ва ижодий топширикларга ажратиш мумкин. Ўкув материалининг самарали ўзлаштирилиши қачонки топшириклар турли шаклларда ва кўринишларда берилганда, ҳамда услубий жихатдан тўғри танланганда мувоффакиятли бўлади.

Бугунги кунда замонавий таълим талаблари ва мазмунларини инобатга олиб топшириклар тизимини ишлаб чикишнинг дидактик шартларини аниклаш долзарб муаммолардан хисобланади. Шу

муносабат билан дарсликдаги топшириклар тизимини ишлаб чикиш тамойиллариға үзгәртиришлар киритиш масаласи ҳам юзага келади.

Биз томондан касб-хұнар колледжларининг маҳсус фан үқитувчиларидан сұровнома үтказилди. Сұровномада Республика мінистрлігінде орналасқан жаңы мемлекеттік мектептердегі 62 нафар маҳсус фан үқитувчилари иштирок этишиди. Сұровнома таҳлили шуни күрсатады, 45 % маҳсус фан үқитувчилари дарсликлар замонавий авлодини электрон дарсликлар деб тушунадылар, колган 55 % эса умуман дарсликлари замонавий авлоди ҳакида фикр билдиrolмадылар. Сұровномада 90 % иштирокчилар ҳозирги фойдаланилаётган маҳсус фан дарсликлари Давлат таълим стандарты талабларига ва үкув дастурига мөс келишини, 10 % эса қисман мөс келнишини; 65 % иштирокчилари маҳсус фан бүйіча дарслик ёки үкув құлланма «Узлуксиз таълим тизимида үкув адабиётлари янғы авлодини яратыш концепциясы» талабларига жавоб берішини, 35 % эса қисман жавоб берішини; 55 % иштирокчилар маҳсус фан дарсликларда касб бүйіча “Фаолият усуллари” түлік ёритилғанлығини, 45 % эса қисман ёритилғанлығи; 65 % иштирокчилар маҳсус фан дарслигіда назария билан амалийтнинг үзаро боғлиқлиги гаымнанланғанлығини, 30 % эса қисман, 5 % эса умуман үзаро боғлиқлик йүклигини таъқидладылар. Шуннингдек, 60 % иштирокчилар дарсликларда замонавий техника, технологиялар ва илм фан ютуқларидан фойдаланғанлығи, 35 % қисман. 5 % эса умуман ютуқлардан фойдаланылмаганлығи; 70 % ишгиrokчилар маҳсус фан дарсликлари үкув материалы матнининг үкилиши касб-хұнар колледжи үкувчилар ёшига мөс келишини, 30 % қисман мөс келиши; 35% иштирокчилар маҳсус фан дарсликларда миллий хусусияттар инобатта олинғанлығи, 55 % қисман, 10 % умуман инобатта олинмаганлығи; 75 % иштирокчилар дарсликнинг үкув машгулолтарини режалаштиришга, саволлар ва тестлар тузишга ёрдам беріши, 25 % эса қисман; 45 % иштирокчилар дарсликда муаммоли вазияттарни юзага келтирүвчи амалий машклар ва топшириклар киритілғанлығи, 55% эса қисман; 75 % иштирокчилар дарсликларнинг ҳар бир бобидан кейин холосаілар. тавсиялар, назорат саволлари үз-үзини баҳолаш учун тестлар берилғанлығи, 10% қисман. 15 % эса умуман йүклиги: 75 % ишгиrokчилар дарсликда үкув материалы мазмунини

тушунтиришга ёрдам берувчи схемалар, расмлар, графиклар, жадваллар, чизмалар киритилганилиги, 25 % кисман киритилганилиги хакида фикрлар билдирилди.

Суровномада иштирок этган ўқитувчилар маҳсус фан дарслигининг умумтаълим дарсликларига нисбатан ўзига хослиги нимада деган саволга 35 % касбга йўналтирганилиги, 40 % амалий жиҳатдан кўпроқ йўналтирганилиги деган фикр билдирсалар 25 % маҳсус фанга кўпроқ соатлар ажратилишини ва чуқуррок ўргатилишини таъкидладилар. Маҳсус фан дарсликлари кандай сифатларга эга бўлишлари керак? деган саволга 35 % иштирокчилар масала, топширик схема ва жадвалларнинг кўпроқ берилиши деган фикр билдирсалар, 30 % касбга оид ўкув материалларнинг чуқур ёритилиши кераклигини, 35 % иштирокчилар эса ўқувчилар учун тушунарли ва қизикарли бўлиши лозим деган фикрни билдирилар. Утказилган суровнома ва сухбат натижасида маҳсус фан дарсликларининг сифатини баҳолаш, ўкув жараёнидаги таъсири ўрганиш тўғрисида кўплаб фикр ва мулоҳазалар олинди.

Утказилган изланишлар ва таҳлиллар шуни кўрсатдики, касб-хунар коллажлари учун замонавий ўкув адабиётларини яратиш ва уларнинг сифатини баҳолаш бўйича куйидаги муаммоларни ечиш талаб этилади:

- касб-хунар коллажларн учун маҳсус фанлардан ўкув адабиётларини яратишда кичик мутахассисларни тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятларини ва ўқувчилар ёшини инобатга олиш;

- ўкув адабиётларини экспертиза килишнинг илмий асосланган методикасини ишлаб чиқиш;

- ўкув адабиётлар сифатини баҳолаш методлари ва мезонларини ишлаб чиқиш;

- маҳсус фан дарсликларининг ўқитиш жараёнидаги таъсирини ўрганиш.


Ушбу муаммолар бўйича тадқиқотлар олиб бориш, ечимларини излаш ва аниқлаш сифатли ўкув адабиётларини яратиш имкониятини беради.

### **1.3. Махсус фанлардан ўкув адабиётлари сифатини баҳолаш тамойиллари ва методлари**

Республикамизда кадрлар тайёрлашнинг янги миллий модели қасбий таълимни ишлаб чиқариш билан яхлитлаштириши кучайтиришни кўзда тутади. Натижада таълим мазмуни ва ташкил этиш тамойилларини қайта кўриб чиқиш зарурини пайдо булади.

Касб-хунар таълимида махсус фан ўкув адабиётлари сифатини баҳолашда куйндаги асосий тамойилларга асосланиш тавсия этилади(1.3-схема)

**1.3-схема**



**1. Ўкув максадига асосланганлик.** Самарали баҳолашнинг асосий тамойили ўкув максадларига асосланганлик ҳисобланади. Дарслик сифатини баҳолаш ўкув максадларига түгридан-тӯғри бошлиқдир. Ўкув максадларига эришилганлик-баҳолаш мазмунини аниклаб беради. Ўкув максадларининг кўйилиш даражасига караб, дарсликни баҳолашнинг шакли, усувлари ва методлари танланади. Шунингдек, ўкув максадларига эришиш учун махсус фан бўйича ўкувчилар тмонидан бажариладиган «Фаолият усувлари» натижаси, баҳолаш мезонларини аниклашда муҳим аҳамиятга эга.

Хар кандай баҳолаш тизими лойихалаштирилаётганда, баҳолаш мезонлари дарслик мазмунни доирасида бўлиши талаб этилади. Баҳолаш ёки экспертиза жараёни лойихалаштираётганда, хар доим куйидаги икки муҳим жиҳатларни эътиборга олиш лозим:

-дарслик сифатини баҳолаш мезонларини ишлаб чикишда ўкув материали мазмунини ўзлаштириш учун кўзланган ўкув максадлари тўла инобатга олинадими?

-экспергизани ўтказиш учун ўкув адабиётлар сифатини баҳолаш шакллари, методлари тұғри танланадими?

Масајан, махсус фан ўкув материалы бүйича ўкувчиларнинг билимларини баҳолашда саволларга ёзма жавоб бериш ёки тест олиш усули мос келиши мумкин. Ўкув адабиётлар сифатини эса эксперлар ёки мутахассислар иштирокида турли методлар ёрдамида баҳоланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

**2. Ҳақиқийлик.** Экспертиза жараёнида баҳолаш бүйича эришилган натижалар тұғрисида асосланган ва ишончли ахборотлар берилиш керак. Баҳолаш мезонлари бүйича ўлчаниши талаң этиладиган күрсатгичгина ўлчаниши керак. Шунингдек ўкув материалы бүйича таълим олувчи әгаллаган билим, малака ва кўникматлар хамда шахсий фазилатларни аниклаш имконини берадиган баҳолаш методларидан фойдаланиш зарур.

Дарсликнинг ўкув жараёнига таъсирини ўрганишда 2 та параллел гурух ўкувчиларига бир хил ўкув материаллари берилганда улар бир хил топширик ва тестлар бүйичабир хил баҳо ҳолдагина мазкур баҳолаш ҳақиқий хисобланади. Бу ҳақиқийлик дарслик ўкув материалыни мураккаблик даражасида ҳар хил вактларда берилган баҳолар учун ҳам тааллуклидир. Ушбу баҳолаш жараёни кўпинча марказлашган ҳолатда касб-хунар коллежларида ўтказилади.

Дарслик сифатини баҳолаш тизими ўкув мақсадларнга мос бўлиши, шунингдек баҳолаш шарт-шароитлари ва мақсадлари билан ўкувчилар олдиндан танишган бўлишлари лозим. Таълим олувчиларга дарслик мазмуни бүйича тузилган бир хил мураккабликдаги ва ҳажмдаги топшириклар берилиши керак.

**3. Ишончлилик.** Ўкув адабиётлар сифатини баҳолашда ва ўкув материалы ёки мавзу бүйича ўкувчиларнинг билимини ўзлаштириш даражасини аниклашдир. Натижаларни баҳолаш мобайнида ҳар хил методлардан фойдаланиш мумкин. Лекин, баҳолаш методларни танлашга кўйиладиган асосий шарт ишончлилик хисобланади. Метод ишончли бўлиши учун баҳолаш асосли ва аник маълумотларга асосланган бўлиши зарур.

Дарсликлар сифатини баҳолаш ишончли бўлиши учун дарслик турли шароитларда экспертизадан ўтказилганда, унинг натижалари бир хил бўлиши керак. Баҳолаш методининг ишончлилиги турли методларнинг натижалари билан тақкослаш орқали аникланади.

Баҳолаш методларининг ишончлилик даражаси қўйидаги ҳолатларда юкори бўлади:

- Экспертиза жараёнида иштирок этувчи экспертлар баҳолаш мезонларини аник тушунса;
- баҳолаш шартларига риоя килинса;
- экспертиза натижалари баҳолашнинг олдиндан келишилган мезонларига тўла асосланган бўлса;

**4. Қулайлик.** Дарсликлар сифатини баҳолаш тизими ўкув максадларидан келиб чиккан ҳолда, мураккаб бўлмаслиги, экспертиза ўтказувчи эксперт ва мутахассислар учун қулай бўлиши лозим. Дарсликлар сифатини баҳолаш бўйича экспертиза ўтказишида натижаларни умумлаштириш ва ишлов бериш учун имкон кадар компьютерлардан кенг фойдаланиш максадга мувофиқ бўлади.

Баҳолаш мезонлари бўйича балл бериладиган бўлса, дарсликнинг муҳимрок бўлган кўрсатгичларига унчалик муҳим бўлмаган кўрсатгичларга нисбатан кўпроқ балл бериш керак бўлади.

Дарслик сифатини баҳолашда экспертиза жараёнини ташкил этиш учун ишларни амалга ошириш талаф этилади.

- Баҳолаш вараъини ишлаб чикиш
- Экспертиза жараёнида экспертлар билан биргаликда соҳа мутахассислари ва услубчиларни жалб этиш
- Баҳолаш методларини усулларини тўғри танлаш.
- Самарали баҳолаш тизимини кўллаш.
- Баҳолаш мезонларини ишлаб чикиш

Ўкув адабиётлар сифатини баҳолаш методлари.

Баҳолаш методлари - ўкув адабиётлар сифатини, ўкувчиларнинг ўкув материалини ўзлаштирганлик, яъни ўкув максадларига эришганлик даражасини маълум воситалар, мезонлар ва меъёрлар асоснда аниқлашни ҳамда ўлчашни таъминловчи босқичлар тизимидан иборат.

Дарслик сифати - унинг барча баҳоланаётган кўрсаткичларини ишлаб чиқилган методлар ёки фойдаланилаётган мавжуд дарсликлар билан таққослаш оркали характерланади. Экспертиза ўтказишида дарслик сифатини таққослаш учун ўкув жараёнида кўлланилаётган мавжуд дарслик эталон-дарслик сифатида олинниши мумкин. Биз томондан ўтказилган тадқиқотлар асосида

дарсликлар сифатини бахолашнишинг куйидаги бир нечта методлари урганилди 83,109,111].

1. Дифференциал метод. Ушбу методда дарслик сифатини баҳолашда унинг курсаткичларини эталон-дарслик курсаткичлари билан бир хил мезонлар орқали тақкослаш йўли билан куйидаги формула ёрдамида аниқланашиш мумкин.

$$K_i = \frac{P_i}{P_{bi}} \text{ ёки } K_i = \frac{P_{bi}}{P_i} \quad (3.1)$$

бу ерда

$K_i$  – баҳоланаётган дарсликнинг сифат курсаткичлари меъри;

$P_i$  – баҳоланаётган дарсликнинг сифат курсаткичлари;

$P_{bi}$  – эталон-дарслик сифат курсаткичлари;

$i = 1, 2, \dots, n$  – нисбий курсаткичлар сони.

Экспертиза натижаларини будича тенгламаларнинг кайси бирида К ўсиши кузатилса, ўшадиги танланади. Баҳоланадиган ва эталон-дарслик сифат курсаткичларини тақкослашда куйидаги ҳолатлар юзага келиши мумкин.

1) барча нисбий курсаткичлар бирга тенг ёки ундан юкори бўлса, у холда баҳоланаётган дарсликнинг сифати эталон-дарслик сифатидан паст эмас деб хисобланади;

2) барча нисбий курсаткичлар бирга тенг ёки кичик бўлса, у холда баҳоланаётган дарсликнинг сифати эталон-дарслик сифатидан паст деб хисобланади.

Агар баҳоланаётган дарсликнинг бирори тақтилган ёки унинг кўлёзмаси экспертизадан ўтказилаётган бўлса натижалар эталон дарсликдан сифати паст бўлганда такнилтириш ёки қайта ишлаш бўйича тавсиялар берилади.

2. Комплекс баҳолашниш методи. Бу метод - дарсликнинг сифатини аник сонлар билан ифодаланадиган курсаткич орқали баҳолаш керак бўлганда кўлланниши мумкин.

Комплекс баҳолаш методида натижалар куйидагича хисобланади:

$$K_i = \frac{\sum_{j=1}^n p_{ij} m_j}{\sum_{j=1}^n m_j} \quad (3.2)$$

бу ерда:

$K_i$  – баҳоланадиган дарслик сифатини меърий курсаткичи;

$P_{ij}$  – баҳоланадиган дарслик алохида сифат курсаткичининг балларда баҳоланиши;

$m_{ij}$  – баҳоланадиган дарслик кўрсаткичларининг аҳамиятлилик коэффициенти;

$n$  – сифат кўрсаткичлари сони;

$P_{ij}$  – эталон-дарслик алохида сифат курсаткичининг балларда баҳоланиши;

$m_0$  – эталон- дарсликнинг аҳамиятлилик коэффициенти.

Масалан, дарслик сифатини қўйидаги 5 та кўрсаткич бўйичабаҳолайдиган бўлсак,

$P_1$ - тузнилиши

$P_2$  – мазмуни

$P_3$  – матн тушунувчанлиги

$P_4$  – дидактик кисми

$P_5$  – тасвирий материаллар

Биз томондан ушбу кўрсаткичлар учун қўйидаги аҳамиятлилик коэффициентлар ўрнатилди  $K_1=5$ ,  $K_2=4$ ,  $K_3=3$   $K_4=2$   $K_5=1$  ва сифат курсаткичларининг баҳоси балларда олинди.

Комплекс баҳолаш методи билан касб-хунар коллежларида “Тикув ва тикув-буюмлари ишлаб чиқариш техник-технологи” йўналиши бўйича амалда кўлланилаётган Г.К.Кулижонова ва С.С.Мусаевларнинг “Енгил саноат маҳсулотлари технологияси”[122] ва М.К. Расолованинг “Тикув буюмларини ишлаб чиқариш технологияси” [59] ўкув кўлланмаларининг сифатини баҳоланиш натижалари ва уларнинг қиёсий тахлили З бобда багафсил келтирилган.

Ушбу методнинг дифференциал методга нисбатан ижобий жиҳати шундаки, бунда ҳар бир баҳоланаётган курсатгичга аҳамиятлилик коэффициенти ўрнатилади ва экспертнинг кўйган бали шу коэффицентга кўпайтирилади.

**3. Араляш метод.** Ушбу метод ёрдамида дарслик сифати қўйидагича баҳоланади:

1) Дарсликнинг бирига якин кўрсатгичлари битта гурухга бирлаштирилади. Масалан, эргономик ва эстетик курсаткичлари битта гурухга йишлилади ва ҳар бир гурух учун мос ҳолда комплекс курсаткичлар аникланади. Асосий муҳим бўлган курсаткичлар гурухга бирлаштирилмай, алохида тахлил килинади.

2) Гурухлар сифаг курсаткичлари асосида дифференциал метод орқали дарсликнинг сифат меъбри аникланади.

дарслеклар сифатини баҳолашнинг куйидаги бир нечта методлари ўрганилди 83,109,111].

1. Дифференциал метод. Ушбу методда дарслек сифатини баҳолашда унинг курсаткичларини эталон-дарслек курсаткичлари билан бир хил мезонлар оркали тақкослаш йўли билан куйидаги формула ёрдамида аниқлаш мумкин.

$$K_i = \frac{P_i}{P_{bi}} \text{ ёки } K_i = \frac{P_{bi}}{P_i} \quad (3.1)$$

бу ерда

$K_i$  – баҳоланаётган дарслекнинг сифат курсаткичлари меъёри;

$P_i$  – баҳоланаётган дарслекнинг сифат курсаткичлари;

$P_{bi}$  – эталон-дарслекнинг сифат курсаткичлари;

$i = 1, 2, \dots, n$ ,  $n$  – курсаткичлар сони.

Экспертиза натижалари бўйича тенгламаларнинг кайси бирида

К ўсиши кузатилса, ўша тенглама танланади. Баҳоланадиган ва эталон-дарслек сифат курсаткичларини тақкослашда куйидаги холатлар юзага келиши мумкин:

1) барча нисбий курсаткичлар бирга teng ёки ундан юкори бўлса, у ҳолда баҳоланаётган дарслекнинг сифати эталон- дарслек сифатидан паст эмас деб хисобланади;

2) барча нисбий курсаткичлар бирга teng ёки кичик бўлса, у ҳолда баҳоланаётган дарслекнинг сифати эталон- дарслек сифатидан паст деб хисобланади.

Агар баҳоланаётган янги яратилган ёки унинг кўллэзмаси экспертизадан ўтказилаётган бўлса натижалар эталон дарслекдан сифати паст бўлганда такомиллаштириш ёки қайта ишлаш бўйича тавсиялар берилади.

2. Комплекс баҳолаш методи. Бу метод - дарслекнинг сифатини аниқ сонлар билан ифодаланадиган курсаткич оркали баҳолаш керак бўлганда кўлланилиши мумкин.

Комплекс баҳолаш методида натижалар куйидагича хисобланади:

$$K_{ij} = \frac{\sum_{i=1}^n P_{ij} m_{ij}}{\sum_{j=1}^m P_{ij} m_{ij}} \quad (3.2)$$

бу ерда:

$K_{ij}$  – баҳоланадиган дарслек сифатини меъёрий курсаткичи;

$P_{ij}$  – баҳоланадиган дарслик алоҳида сифат кўрсаткичини<sub>ни</sub> балларда баҳоланиши;

$m_{ij}$  – баҳоланадиган дарслик кўрсаткичларининг аҳамиятлил<sub>ик</sub> коэффиценти;

$p$  – сифат кўрсаткичлари сони;

$P_{ii}$  – этalon-дарслик алоҳида сифат кўрсаткичининг балларда баҳоланиши;

$m_{ii}$  – этalon- дарсликнинг аҳамиятлилик коэффиценти.

Масалан, дарслик сифатини кўйидаги 5 та кўрсатк<sub>и</sub>ч бўйичабаҳолайдиган бўлсак,

$P_1$ - тузилиши

$P_2$  – мазмуни

$P_3$  – матн тушунувчанлиги

$P_4$  – дидактик кисми

$P_5$  – тасвирий материаллар

Биз томондан ушбу кўрсаткичлар учун кўйидаги аҳамиятлил<sub>ик</sub> коэффициентлар ўрнатилди  $K_1=5$ ,  $K_2=4$ ,  $K_3=3$   $K_4=2$   $K_5=1$  ва сифат кўрсаткичларининг баҳоси балларда олинди.

Комплекс баҳолаш методи билан касб-хунар колледжларида “Тикув ва тикув-буюмлари ишлаб чиқариш техник-технология” йўналиши бўйича амалда қўлланилаётган Г.К.Кулижонова С.С.Мусаевларнинг “Енгил саноат маҳсулотлар<sub>и</sub> технологияси”[122] ва М.К. Расулованинг “Тикув буюмларин<sub>и</sub> ишлаб чиқариш технологияси” [59] ўкув қўлланмаларининг сифатини баҳоланиш натижалари ва уларнинг киёсий таҳлили } бобда батағсил келтирилган.

Ушбу методнинг дифференциал методга нисбатан ижобијати шундаки, бунда ҳар бир баҳоланаётган кўрсатгичг<sub>и</sub> аҳамиятлилик коэффициенти ўрнатилади ва экспертнинг кўйаг<sub>и</sub> бали шу коэффициентга кўпайтирилади.

**3. Аралаш метод.** Ушбу метод ёрдамида дарслик сифати кўйидагича баҳоланади:

1) Дарсликнинг бир бирига якин кўрсаткичлари битта гурухга бирлаштирилади. Масалан, эргономик ва эстетик кўрсаткичлари битта гурухга йи\лади ва ҳар бир гурух учун мос ҳолда комплекс кўрсаткичлар аникланади. Асосий мухим бўлган кўрсаткичлар гурухга бирлаштирилмай, алоҳида таҳтил килинади.

2) Гурухлар сифат кўрсаткичлари асосида дифференциал метод оркали дарсликнинг сифат меъёри аникланади.

**4. Ташхисли баҳолаш методи.** Ҳозирги вактда касб-хунар таълим маҳсус фанлари ўкув адабиётларини экспертиздан ўтказишда асосан ташхисли баҳолаш кенг қўлланилади, яъни бу дарслик ёки ўкув қўлланмага нашрдан олдин бериладиган баҳодир. Одатда, маҳсус фанлар бўйича дарслклари ёки ўкув қўлланма нашрдан чиққандан сўнг, касб-хунар коллекларида дастлабки текшириш – синовлардан ўтказилади. Яна бир муҳим жиҳатнни таъкидлаш жоизки, ўкув адабиётларининг дастлабки варианatlари экспертиздан ўтказилиб такомиллаштирилгандан кейин нашрга берилиши муҳим аҳамиятга эга. Демак, ушбу баҳолаш методи ўкув адабиётларни касб-хунар коллекларида фойдаланишдан олдин қўлланилганда яхши самара бериши керак.

Касб-хунар таълимида маҳсус фанлар ўкув адабиётларини ташхисли баҳолашнинг асосий камчилиги шундан иборатки, унда текширилаётган дарсликни бошқа бирор алтернатив билан солиштириб, кайси бирининг афзаллигини аниклаш имконияти йўклигидадир. Ташхисли баҳолашда дарслик сифати олимлар, услубчилар ва мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган мезонлар, «Ўкув адабиётларини яратиш концепцияси» талаблари ва бир катор назарий, ҳамда методик гоялар асосида баҳоланади. Бу баҳолаш маҳсус фанлар дарслик қўлчзмаларини тажриба-синовдан ўтказишда катта имконият яратиб беради.

## **2-БОБ. КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА МАХСУС ФАНЛАР ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИНИ АМАЛИЙ ЭКСПЕРТИЗАДАН ЎТКАЗИШ МЕТОДИКАСИ**

### **2.1. Махсус фанлар ўқув адабиётларини амалий экспертизадан ўтказиш мазмунни ва методикаси**

Ўзбекистонда давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларининг янги авлодининг ишлаб чикилиши, техника ва технологияларнинг кун сайин ўзгариши, билимларнинг тез янгиланиши махсус фанлар бўйича ўқув адабиётларининг янги авлодини яратишни талаб килади. Шунинг учун хам сифатли ўқув адабиётларини яратиш ёки мавжуд дарсликни такомиллаштириш учун уларни дастлабки экспертизадан ўтказиш ва ушбу жараёнга кўпроқ иштирокчилар жалб этилиши керак [105].

Республикамиизда кейинги йилларда касб-хунар коллажларининг махсус фанлари бўйича 1500 дан ортик номдаги ўқув адабиётларининг янги авлодини яратилиши ва таълим жараёнига тадбик этилиши натижасинда уларнинг сифатини баҳолаш ҳамда таҳлил килиш учун экспертизадан ўтказиш имконият яратилди. Чунки хозирга кадар махсус фан ўқув адабиётларини сифатини баҳолаш ва таҳлил килиш учун альтернатив варианatlари деярли йўқ эди ёки жуда кам фанлардан мавжуд эди. Агар хар бир ўқув предметидан альтернатив дарсликлар мавжуд бўлса, янги яратиладиган дарсликни нашр килишдан олдин экспертизадан ўтказиш имконияти бўлади. Баъзи давлатларда касб таълими махсус фанлари бўйича ўқув адабиётларини яратиш, нашр этиш ва тарқатиш асосан бозор шароитига караб амалга оширилади, яъни уларга бўлган талабга мувофиқ буюртма асосида нашр этилади.

Республикамиизда академик лицей ва касб-хунар коллажлари учун яратилган дарслик ва ўқув кўлланмаларни нашрдан олдин экспертизадан ўтказиш “Таълим тўғрисида”ти конуни, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, “Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепцияси”, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг бўйрук ва курсатмалари асосида олиб борилади [7].

Ўқув адабиётларини экспертизадан ўтказиш мурakkab ва узок давом этадиган жараён бўлиб хисобланади. Тадқикотларда ўқув


адабиётлари сифатини баҳолаш жараённи назарий ва амалий экспертизаларга ажратилади [58,82]. Ўқув адабиётларининг назарий экспертизаси ишлаб чиқилган мезонлар тизими асосида мустакил эксперталар томонидан амалга оширилади. Эксперталар сифатида давлат стандартлари ва ўқув дастурлари муаллифлари, соҳа мутахассислари ва олимлари, олий ўқув юртлари педагог ва мухандис-педагоглари катнашадилар. Назарий экспертиза жараёнида дарсликнинг таркиби, мазмуни, тасвирий материаллар, савол ва топшириклар сифати назарий жиҳатдан текширилади. Бизнинг шароитимизда ўқув адабиётлари кўлғозмалари асосан назарий экспертизадан ўтказилиб, камчиликлари тузатилганидан кейин нашрга тавсия этилади. Назарий экспертизанинг асосий камчилиги шундаки, дарсликнинг дидактик кисми, педагогик услубнинг жорий этилиши, унинг ўқув жараёнига таъсири, ўқувчиларнинг ўқув материали матнини қабул қилиши ва ўзлаштириш даражалари ўрганилмайди.

Амалий экспертиза жараёнида эса дарсликнинг мазмуни, таркиби, дидактик кисми, функциялари, ўқув матнининг тушунувчанлиги ва педагогик технологияларнинг тадбик этилиши ҳамда тасвирий материаллар сифати текширилади, унинг ўқув жараёнидаги таъсири эса тажриба синовлар ўтказиш йўли билан ўрганилади [110]. Биз томондан касб-хунар таълимида маҳсус фанлар ўқув адабиётларини амалий экспертизадан ўтказиш бўйича олиб борилган изланишлар ва олинган натижалар асосида «Маҳсус фан ўқув адабиётларини амалий экспертизадан ўтказиш тузилмаси» модели ишлаб чиқилди (2.1-расм). Ушбу модел асосида ўқув адабиётларини амалий экспертизадан ўтказиш бўйича тажриба –синов ишлари ҳам олиб борилди.

Таклиф этилган амалий экспертизанинг ҳар бир компоненти тўғрисида алоҳида тўхтalamиз.

1. Экспертиза иштирокчилари. Амалий экспертиза жараёни таянч касб – хунар колледжида ташкил этилиши ва ўтказилиши тавсия этилади.

Ўқув адабиётларини амалий экспертизадан ўтказиш жараёнига эксперталар сифатида услубчилар, олимлар, маҳсус фан ўқитувчилари, соҳа мутахассислари, давлат таълим стандартлари муаллифлари, шунингдек иштирокчилар сифатида касб-хунар ўқитувчиларининг малакасини ошириш институти олимлари ва педагоглари ва тингловчилари ҳамда ўқувчилар жалоба этиладилар.



**2.1-расм. “Махсус фан ўкув адабиётларини амалдай экспертизадан ўтказиш түзилмаси” модели**

Экспертлар учун махсус фан ўкув адабиётини баҳолаш мезонлари, экспертизани ўтказиш бўйича ўрикномалар, натижаларини тақдим этиш гартиби тавсиялар берилиши лозим. Услубчилар ўкув адабиётидаги педагогик услублар, педагогик технологияларга таянилишини; олимлар махсус фан дарслиги ўкув материалининг измийлигиги, ундаги назариялар, конунлар, тамойиллар, хоссалар, жараёнлар ва тушунчаларнинг бир хил ёндашувда ёритилишини; соҳа мутахассислари махсус фанга

тегишли соҳа бўйича техника ва технологиялар сунгги ютукларидан фойдаланилганлиги, “Фаолият усуллари”нинг ёритилишини; махсус фан ўқитувчилари дарсликнинг ўкув жараёнига таъсирини ўрганишлари ва натижаларини ўратилган тартибда тақдим этишлари керак.

Касб-хунар коллажлари ўқитувчилари малакасини ошириш институти олимлари, педагоглари ҳамда тингловчилари билан ўкув адабиётлар сифатини баҳолаш бўйичасурономалар ва сұхбатлар ўтказилади. Уларнинг фикрлари ва тавсиялари экспертиза холосаларига киритилади. Давлат стандарти муаллифлари махсус фан ўкув адабиётларининг касб-хунар таълим тармок стандарти талабларига, жавоб бериши ва ўкув дастурларига мослигини текширадилар.

Касб-хунар коллажларн ўқувчилари дарслик ёки ўкув кўлланманинг таълим жараёнидаги таъсирини ўрганишда жалб этиладилар.

## 2. Баҳолаш методлари ва усуллари.

Махсус фанлардан ўкув адабиётларини экспертизадан ўтказиша назарий, анкета, тахлил қилиш, кузатиш, назоратлар ва тестлар ўтказиш, педагогик сўров, тажриба синов ўтказиш, эксперимент натижаларига математик ишлов бериш, диагностик, комплексли, дифференциал ва эксперт методлардан фойдаланилади.

Биз махсус фан ўкув адабиётларини экспертизадан ўтказиш жараёнини шартли равишда қўйидаги боскичларга ажратдик.

1. Экспертлар томонидан ўкув адабиётларини турли баҳолаш методлари асосида камчиликларини аниклаш ва ўкув жараёнидаги таъсирини ўрганиш.

Ўкув адабиётларини экспертиза қилиш давомида қўйидагиларни аниклаши керак.

- текширилаётган ўкув адабиёти тўғрисида муаллиф ва эксперталар фикр-мулоҳазалари;

- ўрганилаётган ўкув адабиётини кўлёзмаси бўйича камчиликлари ёки мавжудларини такомиллаштириш бўйичакиригтан таклифлари;

- қайси асосий жиҳатлар ўкув адабиётида ёритилмаган;

- ўкув адабиётини такомиллаштириш ва уларни экспертизадан ўтказиш бўйича кейинги олиб бориладиган изланишлар.

Дарсликни ўқитиш жараёнидаги таъсирини ўрганишда юзага келадиган муаммога қўйидагилар киради:

- ўкувчиларнинг ўкув материалини ўзлаштиришда кандай кийинчиликка дуч келишлари;

-камчилик ва кийинчиликларнинг юзага келиш сабабларини аниклаши.

2.Экспертиза жараёнида олинган натижалар тавсиялар, далиллар ва уларни таккослаш оркали илмий асосланган таклифни далиллар берини.

3.Экспертиза натижаларини расмийлаштириш ва ўкув адабиёти бўйичаякуний холосани тақдим этиш.

Бу ўкув адабиётлари сифатини баҳолаш метод ва усулларига кисқача тўхтадлик.

**Ниятий метод** – ҳозирда қўлланилаётган махсус фан ўкув адабиётларини ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида олиб бориладиган изланишлар киради. Шунингдек махсус фанлар ўкув адабиётлари ва уларга қўйиладиган талаблар бўйичакитоб ва журналлар, маколалар, илмий ишланмалар, тўпламлар ва каталоглар, ҳамда интернет тизимидан олинган маълумотлардан фойдаланилади.

**Кузатиш** - ўкув жараёнини кузатиш оркали ўкувчининг махсус фан ўкув материалларини ўзлаштиришлари, матнларни кабул қилишда улардаги ўзгаришларни хисобга олиш ва белгилаш учун қўлланилади. Бунда ўкув жараёнини кузатишлар сони, обьекти, вакти, педагогик вазиятларни кузатиш учун ажратиладиган кўрсаткичлар инобатга олинади.

**Сұхбат методи** – педагогик сўрашнинг бир тури бўлгани ҳолда экспертдан махсус фан ўкув адабиёти тўғрисида фикр ва мулоҳазалар олиш учун жиддий тайёргарлик кўришни талаб этади, чунки у сұхбатлашаётган шахс билан бевосита алоқада бўлиш вактида оғзаки тарзда, сұхбат пайтида ўкув адабиётини такомиллаштириш ёки уни баҳолаш учун мухим бўлган жиҳатлар эксперт томонидан ёзигб қўйилади.

Сұхбат методида - ўқитувчилар, тингловчилар ёки ўқувчилар билан якка ва гурухли тартибда иш олиб борилиши мумкин.

**Педагогик сўраш методи** – экспертнинг бошка олимлар, педагоглар ёки мутахассислардан ўкув адабиёти ҳақида ахборот олиш жараёнидир. Сўраш саволлари мантикий ўйланган бўлиши ва аник ифодаланиши керак.

**Тест ва назоратлар ўтказиш.** Тест синовлари ва назоратларни ўтказишдан максад ўкувчиларнинг дарслик ўкув

материалини маълум вакт орали\ида ўзлаштиришдаги билимларни баҳолашдир.

Тест ёрдамида синов ўкувчининг маҳсус фан ўкув материалини ўзлаштириш бўйичабилими ва иктидорини зудлик билан аниклаш ёки баҳолашга имкон беради. Тест саволларининг ижобий томони унинг киска ва аниклиги тўғри жавобнинг умумий жавоблар ичida борлиги ва уларнинг ўкувчиларга кўрсатма бўлиб хизмат килиши, унинг топишмокли йўнинга ўхшалиги ҳамда жавобни топишда хотира, интуиция ва топкирликлар кўл келади. Дарслик ўкув материали бўйичатест саволларини тез-тез ўтказиб туриш ўкувчининг мустакил ишлаши ва ижодий қобилиятларини янада ривожлантиради.

Тест синовлар ва назоратлар ўтказиш бу ёзма жавобларнинг оммавий равища йигиб олиш методидир. Ўкув материали бўйичатест синовларн ва назорат саволларини ишлаб чикиш мураккаб илмий жараён хисобланади. Экспертиза натижаларининг ишонччилиги бериладиган тестлар ва саволлар шаклинига ва сонига боғлик бўлади.

Эксперимент-тажриба-синов усули-бу усулда касб-хунар коллежларида маҳсус фан ўкув адабиётларининг таълим жараёнига таъсирини ўрганиш максадида тажриба-синов ишлари ўтказилади. Дарслик ўкув материали бўйичамаҳсус фанни ўқитиш жараёни ташкил этилади ва ўтказилади.

Экспертиза маълумотларини таҳлил килиш усули - экспертиза жараёнида маҳсус фан ўкув адабиёти бўйичайилган маълумотлар экспертизаси таҳлил килинади ва хуносалар умумлаштирилади

Анкетя - анкетага маҳсус фан ўкув адабиётини баҳолаш бўйичасаволлар киритилади. Бундан мақсад ўкувчиларнинг маҳсус фанга бўлган муносабатларини ва кизиқишлигини аниклаш, ўкув адабиётлар таъминланганлик даражасини ва маҳсус фанни ўқитиш даражасини аниклаш, ўкув адабиётларнинг сифатини баҳолаш, уларга кўйиладиган талабларни, ҳамда маҳсус фандан электрон ўкув адабиётларини яратилиши ва таълим жараёнига жорий этилиши ўрганиш киради.


Математик-статистик ишлов бериш усулида маҳсус фан ўкув адабиётини таълим жараёнидаги таъсирини ўрганиш бўйича ўтказилган тажриба-синов ишларига математик статистик ишлов берилади ва натижалар тақкосланади.

Махсус фан ўкув адабиётларини баҳолашнинг комплексли, дифференциал, аралаш ва ташхисли методлари түгрисида биз илмий изланишинизнинг 1- боби 1.3. параграфида батафсил тұхталған әдік.

### 3. Экспертиза мазмуни ва таркиби.

Касб-хунар таълими махсус фанлари ўкув адабиётларини амалий экспертизадан үтказиш жараённанда уларнинг мазмуни ва таркибини қўйидаги асосий 7 та кўрсаткич бўйича баҳолашни тавсия этдик (2.2.-расм).

3.1. Дарслик тузилиши. Махсус фан дарслиги тузилишини амалий экспертизадан үтказишда ўкув материалида «Фаолият усууларининг ташкил этилиши», боблар (модуллар) ва мавзулар ўкув максадларининг белгиланиши, боблар (модуллар) таркиби ва тузилмаси, боблар (модуллар) ва параграфлар орасидаги үзаро боғликлик, ҳамда матнлар кўришишлари (acosий, күшимча тушунтирувчи матнлар) таҳлил этилади. Экспертиза жараённанда боблар, бўлимлар, мавзуларнинг тизимлилиги ва яхлитлиги, ўкувчидаги яхлитликни идрок килиш хисси шаклланиши учун барча маълумотлар мантиқий бир тизимда берилиши таъминланганлиги; ўкув материалининг оддийдан- мураккабга, мавҳумдан – аниқликка караб тузилганлиги баҳоланади.



**2.2 - расм. Дарслекларнинг амалий экспертизаси**

Шуннингдек махсус фанлар дарслерлари тузилмасидаги матнлар таҳлил этилади. Дарслер асосини сўзлар билан ёзилган кисм-матн ташкил килади. Педагогика ва илмий адабиётларидаги ўқув материалининг тузилиши ва баён этилиши бўйича махсус тадқиқотлар ўтказишга алоҳида эътибор берилади. Матнда ўқув материалининг мазмуний ва жараёнли жиҳатлари биргаликда жорий килинади.

Матн бу - дарслердаги ўқув материалининг мазмунини ўқув дастурга мос тарзда кетма-кет ва максимал тўлиқ баён килувчи, ҳамда асослаб берувчи асосий ёзма тизимдир [102].

Тадқиқотларда матнлар таъкидловчи (ёки ифодаловчи) далил келтирувчи турларга ажратилади. Таъкидловчи матнларга – ифодалаш, ҳикоя килиш (тавсиф - ифодалаш, хабар - ҳикоя килиш), далил келтирувчи матнларга – мулоҳаза (таъриф – тушунтириш, хулоса – мулоҳаза килиш) матнлари киради. Бу баён килиш усувларининг энг анъанавий таснифланиши бўлиб, унда асосан тасвирлаш, ҳикоя килиш, мулоҳаза килишни ажратиб кўрсатиш мумкин [7].

Матн ўқувчи томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган таълим мазмунининг можияти ва ҳажмини белгилаб берувчи асосий ахборот ташувчидир.

Агар дарслер махсус фан дастуридаги таълим мазмунини амалга ошириш сценарийси вазифасини бажарса, матн шу сценарийнинг камидаги ўзагини кўрсатиб беради. Экспертлар томонидан махсус фан дарслиги тузилмасида асосий, қўшимча ва тушунтириш матнларнинг таркиби ва қанчалик даражада тақдим этилишини баҳолайдилар.

3.2. Дарслер мазмуни. Ушбу кўрсаткич орқали махсус фан дарслиги мазмунининг ўқув дастурига мослиги; фан. техника ва технологиялар сўнгги ютуклари ёритилганлиги; ўқув материалининг ҳажми ва мураккаблиги; “Фаолият усувлар” бўйича ўқув материалининг ёритилиши; назария билан амалиётнинг ўзаро боғликлиги, ижтимоий маданий ва тарихий аспектлар ҳамда миллий хусусиятлар баҳоланади.

Касб-хунар таълимида махсус фанлар дарслерларига кўйиладиган асосий талаблардан бири ўқув дастурига мос келишидир. Ўқув дастури махсус фаннинг мазмуни, тузилиши ва ўқув материалининг мантикий кўйилишини, маълум бир маънода ўқитиш методларини, дидактик воситалар ва материаллар

таркибини, ўкувчига маҳсус фан бўйича эгаллаши керак бўлган фаолият усусларнни ва уни қасбга йўналтиришни, ҳамда муайян фан тўғрисида фикрлаш усувларини белгилайди.

Ўтказилган изланишлар шуни кўрсатдики, маҳсус фан дарслигининг мазмунидаги қонунлар, назариялар, тушунчалар, тамойиллар, жараёнлар, атамалар ва бошқа билимларнинг мақбул ёритилиши; фундаментал таълимга йўналтирилиши; фикрлар ва хуросаларнинг кўйилиши, ҳамда уларнинг илмийлиги; ўкувчилар олган билимларнини қасбий фаолиятга кўллашни ўрганишга йўналтирилганлиги; назарий билимларни амалий фаолиятга кўллашни кўрсатилиши; абстракт илмий билимдан аник қасбий билимга ва амалий кўнкимага ўтиш таъминланиши керак.

Экспертиза жараённида боблар мазмунини ўкувчиларнинг билим олиш даврига мос келиши, далиллардан намуналарга, намунадан-фаразга, фараздан-изланишга, изланишдан-амалий кўллашга, абстракт илмий билимдан-аник қасбий билимга, қасбий билимдан-амалий кўнкимага йўналтирилганлиги таҳлил қилинади.:

Шунингдек экспертиза жараённида ушбу кўрсаткич орқали «Фаолият усувлари»нинг ёритилишида назарий ва амалий мазмуннинг teng ва ўзаро боғлик холда таъминланиши; Ўзбекистоннинг турли ҳудудларидаги ўкувчиларнинг билим олишга бўлган эҳтиёжларини ва миллий хусусиятларини хисобга олиниши; ўкувчилар ёши, савиаси ва психо-физиологик хусусиятларини инобатга олиниши баҳоланиши лозим.

3.3. Дидактик кисми. Дарсликнинг дидактик кисми асосий кўрсатгичлардан бири хисобланади. Маҳсус фан дарслигига саволлар ва топшириклар, машқулар ва тестлар берилиши ўкувчиларнинг фаоллашувини ва билимларни мустаҳкам эгаллашларини ҳамда уларнинг қасбга кизиқишиларини ривожлантиради.

Дарсликдаги саволлар ва топшириклар ҳамда тестлар сифатини баҳолаш учун уларнинг хусусиятлари, турлари ва кўйиладиган талабларни чукур ўрганиш талаб этилади. Дарсликдаги саволларнинг аник ва тушунарли унинг тўғридан-тўғри муаммога каратилганлиги баҳоланади.

Дарсликдаги ёзма топшириклар таълим олувчиларнинг уларга мустакил равишда ёзма тарзда жавоблар ёзишларига мўлжалланган бўлиши керак.

Дарсликдаги ижодий топширикларни бажариш давомида таълим олувчилар бирон бир мавзу ёки муаммоли топширик устида ишлаб, у юзасидан ижодий фаолиятни амалга оширадилар.

Саволлар ва топшириклар ўқув материали билан етарлича боғланганлиги, уларни тузишда ўқувчилар имконияти инобатга олингандиги таҳлил этилади.

Бугунги кунда муаллифлар дарслик ва ўқув қўлланмаларини ёзишда тест топширикларининг бир катор турларидан фойдаланишмоқда.

Дарсликдаги тестлар сифати уларнинг ўқувчиларнинг ўқув натижаларига мос ҳолда билим даражасини баҳолай оладиган килиб тузилганлиги, тест саволлари билан жавоблари йўғунлашган ҳолда грамматик жихатдан тўғри ишлаб чиқилганлиги таҳлил килинади.

Шунингдек ушбу кўрсаткич орқали дарсликдаги схемалар, жадваллар ва графикларнинг ўқув максадларига ва вазифаларига мос келиши текширилади.

Ўқув адабиётидаги диаграммалар, графиклар, жадваллар ва расмлар хариталарни таҳлил килиш мухим ахамиятга эга. Улар ходисалар орасидаги ёки ходисаларнинг турли босқичлари орасидаги микдорий муносабатларини (диаграммалар, графиклар), фазовий (хариталар, харита – тузилмалар, режалар) вақтий (хронологик жадваллар ва графиклар) ва сабаб – оқибат (тузилмалар, жадваллар) боғланишларни, объектлар ва жараёнлар бажарилиши, (расмлар ва схемалар) ходисаларнинг тавсифини очиб берадилар.

Махсус фан дарслклари функциялари таҳлилида дарсликдаги мувофиқлаштирувчи, тизимловчи, ахборий, касбга йўналтириш, билимларни мустаҳкамлаш ва ўз-ўзини назорат килиш, мустакил билим олишга кизиктириш, ўқувчиларни ижодкорликка ундовчи, ривожлантирувчи-тарбиявий функцияларини рӯёбга чиқарилиши баҳоланади. Биз махсус фан дарслкларининг функцияларини баҳолашда ҳозирги вақтдаги махсус фанлар дарслкларини яратиш тажрибаларига таяндин ва уларнинг янги авлодида шаклланадиган жихатларини инобатга олишга ҳаракат килдик.

Махсус фанлар дарслигини функцияларини баҳолашда асосий ўтиборни ўқувчиларни ижодкорликка ундовчи ва мустакил таълим олиш функцияларига қаратиш керак.

3.4. Матнинг тушунувчанлиги. Ушбу кўрсаткич орқали дарслик матнининг аниклиги ва тушунарлилиги, жумлаларнинг тузилиши, асосий матнларнинг баён қилиниши, қўшимча ва тушунтирувчи матнларининг баён қилиниши, матнда ўкувчилар ёши ва психологик имкониятлар инобатга олиниши ўрганилади.

Асосий тушунча, хulosаларнинг аниқ ва равшан, матнинг жозибадор кўринишида баён қилиниши ўкув адабиётларининг янги авлодига қўйиладиган талаблардан хисобланади.

Максус фанлар дарслигининг асосий матнларидағи касбий билим, кўникма ва малакаларни шакллантирувчи илмий тушунчаларни ҳосил қилиш учун ўрганилаётган ҳодисалар, воқеалар, жараёнлар ва обьектларнинг энг аҳамиятли жихатларини очиб берувчи далилларни танлаб олиниши; замонавий техника ва технологияларда кўлланилиши тўгрисида хулоса қилишга имкон берувчи далилларни баён қилиниши; максус соҳа бўйича касбий кўникмаларнинг шаклланиш вазифаларини ҳал қилувчи ишончли далиллардан фойдаланилганлиги; ўкув материалии ҳажмининг ўкувчиларнинг имкониятларига, ёшларига ва кобилиятларига мос келиши каби талаблар ўрганилади.

Дарсликдан қўшимча матнини тахлил қилинда асосий матнда баён қилинган ҳолатларни мустаҳкамлаш ва чукурлаштиришга, ўкувчиларнинг касбий кобилиятларни ривожлантиришга хизмат қилувчи ўкув материалилари ўрганилади.

Қўшимча матнларга белгилашлар, хужжатли материалилар, амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган машклар, хulosалар, тавсиялар, маълумотли материалилар киради. Қўшимча матнлар ўтилган машгулотни ўзлаштиришга ёрдам бериш билан бир қаторда, ижодкорликка ундовчи ва тарбиявий функцияларни бажариши керак. Шунинг учун баҳолаш жараёнда қўшимча матнларнинг мазмунини, тишини, баён этилиш услубини, танлаб олишга катта аҳамият берилиши лозим.

Экспертлар томонидан тушунтирув матнларига киравчи кириш сўзи, изохлар, иловалар, таянч иборалар, тушунтиришлар, лугатлар тахлил этилади. Бу матнлар тушунарли, қисқа ва маълум тушунчани аниқ шакллантирадиган бўлиши керак.

3.6. Педагогик услуб. Ушбу кўрсаткич орқали максус фан дарслиги ўкув материалининг таълим мақсадига ва ўқитиш методикасига мувофиқлиги, педагогик технологияларга таяниш ҳамда фаол ижодий ёндашувлар тахлил этилади. Шунингдек

ўкувчиларнинг танкидий фикрлаш ва ижодий ишлаш кўнинмалари ривожлантиришга йуналтирилган «муаммони ҳал килиш» тарзидаги вазифалар ва топшириклар берилиши; ўкув материалнинг ўкувчилар ҳаёти. уларнинг маҳсус фан бўйича бажарадиган амалий ишлари ва ихтисослиги билан етарли даражада бољиклиги ўрганилади;

Ҳозирги пайтда янги авлод ўкув адабиётларини замонавий педагогик технологиялар асосида яратиш ва жорий этилишини таъминлаш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Маҳсус фанлар дарслекларининг сифатини баҳолаш бўйича ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатдики, бугунги кунда дарслекка психологияк-педагогик жиҳатдан ёндашув етарли даражада асосланмаганлиги, ўкув материалини танлаш мезонларининг йўклиги ёки тўлаконли ишланмаганлиги, ўкувчиларни психологик ривожланишига эмоционал ва мантикий таъсирини жорий этиш йўлларининг жуда заиф ишлаб чиқилганлиги муаммо сифатида каралмоқда. Бундан ташкари шахсга йуналтирилган ўқитиш технологияларга асосланган дарслекларни яратишининг илмий услубий асосларини ишлаб чикиш бўйича илмий тадқикот ишлари деярли олиб борилмаган.

Таълим мазмуни интеграциясини таъминловчи, фанларро алокадорлик ва яхлитликни ҳисобга олган холда дарслекларни ишлаб чикиш мухим аҳамиятга эгадир.

Ҳозирги пайтда тизимли фаолият ёндашуви асосида ўкувчиларнинг мустакил ишлаш фаолиятини ривожлантириш ва фаоллаштириш, ҳамда тушуниш методлари ёрдамида ўқитиш технологиялар бир катор илмий тадқикот ишларидаги ишлаб чиқилган. Ушбу методлар маҳсус фанлар бўйича дарслеклар ва турли ўкув қўлланмаларни яратишида асос килиб олинниши мумкин.

Дарслекни яратиш ва унда маълум педагогик тизимни моделлаштиришнинг асосий босқичи булиб, дидактик жараёнларни танлаш ва ишлаб чикиш ҳисобланади.

Маҳсус фан дарслиги мазмунининг ўкувчиларнинг ўзлаштиришларини юкори даражада таъминланиш учун куйидагилар тавсия килинади:

- ўкув материалнинг ўкувчилар ҳаёти, уларнинг маҳсус фан бўйича бажарадиган амалий ишлари ва ихтисослиги билан етарли даражада бољиклигини таъминлаш;

- мұаммоли топшириқ ва саволларни киритиш, уларнинг ишонарлилигини, қизикарлилигини, ҳамда зхтиросий

- ифодадорлыгини күчайтириш орқали ўкувчиларнинг билим олиш жараёнини фаоллаштириш;

- ўкувчиларнинг қобиляйтларини ва имкониятларини инобатта олган ҳолда ўкув максадлариға эришишни таъминловчи саволлар ва ўкувчиларнинг ўз-ўзини баҳолаш учун ҳар бир фаолият усули бўйича тестлари киритиш топшириклар тизимини ишлаб чикиш.

Агар юкорида таъкидлаб ўтилган жихатлар таъминланса, у ҳолда ўқитиши технологиясини ифодаловчи модел ҳакида сўз юритиш мумкин бўлади.

Демак, маҳсус фан дарсликларини яратишда замонавий педагогик технологияларга таяниш мухим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам маҳсус фан дарсликларини баҳолашда ушбу курсатгич киритилди.

**3.6. Тасвирий материаллар.** Маҳсус фанлардан дарслик ва ўкув қулланмаларни экспертизадан ўтказишида тасвирий материаллар сифатига алоҳида эътибор берилиши лозим. Расмлар, жадваллар, диаграммалар, схемалар, графиклар яққол кўриннарли бўлишлари лозим.

Ўтказилган амалий изланишлар шуни курсатдики, маҳсус фанлар дарслигининг тасвирий материали дарслик мазмунини ўзига хос очиб беради, ўрганиладиган объектни кўргазмали тасвирлайди ва кайсиdir технологик жараённи тушунишини осонлаштиради.

Ўкув адабиётидаги келтириладиган тасвирий материалларга қўйидаги талаблар қўйилади:

- дарсликдаги ёзма ахборотларни тўлдиришга, бойитишга, мазмунини очиш ва тушунтиришга хизмат килиши;

- тасвирлар турли савиядаги ўкувчилар учун тушунарли ва таҳлил килишга мос бўлиши;

- тузилмалар, чизмалар, режалар, ҳариталар тарзидаги материаллар ўкувчининг мавзу мазмунини тушуниб олишга халақит берувчи ортиқча ахборотга эга бўлмаслиги;

- бир тоифадаги тасвирлар бир хил техникавий ижрода -расм, тузилма, фотосурат, чизма ва х.к. тарзида берилиши лозим.

Касб-хунар таълими маҳсус фан дарслиги сифатини баҳолашда тасвирий материал сони ва сифатига, уларнинг турлари ва жойлашувига, ўкув маълумоти билан боғликлисигига,

ўкувчиларнинг тасвирий материаллар билан ишлаш фаолияти таъминланишига этиборни қаратиш лозим.

3.7. Нашр сифати. Ушбу кўрсаткич оркали маҳсус фанлар бўйича ўкув адабиётларининг босиши сифати; ундаги имло, тинниш белгиларини кўйиш ва мазмуннинг аниклиги бўйича хатолар; кўлъзмани таҳрир килишда мантикий кетма-кетлилик ва равонликка эришилганлиги; тасвиirlарга ва матннинг бошқа кисмларига мурожаат этиш доимо равшан ва мантиқан тўғри кетма-кетлиқда амалга оширилганлиги ва «Маҳсус белгилар» матннинг турли кисмларини ёритилиши ва дарслидаги тақдимот ва дизайн сифати баҳоланади.

Биз касб-хунар таълим маҳсус фанлари ўкув адабиётларини экспертизадан ўтказишида баҳоланадиган асосий кўрсатгичлар мазмунини ва уларга қўйиладиган талабларни ёритишга ҳамда асослашга ҳаракат килдик. Касб-хунар коллежларининг «Тикув ва тикув-буюмлари ишлаб чиқариш техник-технологи» йўналиши бўйича бир нечта маҳсус фан ўкув адабиётларини юкоридаги кўрсатгичлар оркали баҳолаш ўтказдик.

4. Экспертиза натижалари бўйича тавсия этиладиган материаллар.

Маҳсус фан ўкув адабиёти тўғрисида экспертиза ўтказувчи эксперт хулосаси, тажриба-синов ўтказувчи ўқитувчилар хулосалари ва тавсиялари, анкета ва педагогик сўров натижалари, назарий метод оркали аникланган маълумотлар, сұхбат оркали олинган фикр мулоҳазалар тавсия этилади.

Анкета ва педагогик сўровнома, тест синовлар ва назорат ишлари материалларига ишлов берилади ва тизимлаштирилади.

Экспертиза натижаси бўйича тайёрланган материал таҳлил ва муҳокама килиниши учун таянч касб-хунар коллежи услубий кенгашига топширилади.

Ўкувчиларнинг маҳсус фан дарслигини ўкув материалини ўзлаштиришини ўрганиш бўйича ўтказилган тест-синовлар ва назорат ишлари натижалари математик статик ишлаб берилади ва якуний хулосага тавсия этилади.

Маҳсус фанлар ўкув адабиётлари бўйичасифатли экспертиза ўтказиш, уларнинг тузилиши ва мазмунини яхшилайди, ўкув жараённинг самарадорлиги ошишига таъсир килади.

Шунингдек баҳолаш жараённида иштирок этганлари касб-хунар коллежлар ўқитувчилари малакасини ошириш ишлари

ўқитувчилар ва мутахассислари ҳамда тингловчилари томонидан килинган тавсиялар маҳсус фан дарслиги тұғрисида якуний холоса килишда ва келгусида уларни такомиллаштиришда самарали өрдам беради.

Экспертиза үтказувчи эксперталар томонидан маҳсус фан дарслиги үқув материалининг ҳар бети бүйича таҳлили тузилади ва маҳсус ишлаб чиқилған дафтар тұлдирилади. Ўқитувчи, анкета үтказиш ва кузатиши үсулларини күллаб, үқувчилар үртасида маҳсус фан дарслиги тұғрисида анкеталаштириш үтказади.

Маҳсус фан дарслиги экспертиза жараёнида йиһилған таҳлил, тавсиялар ва материаллардан фойдаланиб дарсликни такомиллаштириш бүйичаякуний холосалар килинади. Экспертиза натижалари бүйича якуний холосаларга куйидагилар киритилиши керак:

- амалий экспертиза натижасида аникланган асосий камчилик тавсиялар ва таклифлар;
- амалий экспертиза натижалари бүйича маҳсус фан дарслиги муаллифлари фикри;
- амалий экспертиза якуний холосалар бүйича дарслик муаллифлари ва нашриёт мухаррирларининг биргаликдаги холосаси;
- маҳсус фан дарслигининг үқув жараёндаги тавсифини үрганиш бүйичатажиба синов ишлари үтказилған касб-хунар колледжі үқув- услубий кенгашы карори.

##### 5. Экспертиза натижалари бүйича ишлаш

Маҳсус фан үқув адабиёті бүйичакиритилған камчилик, тавсия ва таклифлар-экспертиза қатнашчилари, нашриёт мухаррирлари ва дарсликлар муаллифлари билан биргаликда мұхокама килинади ва дарсликни такомиллаштириш бүйичатаянч касб-хунар колледжи үқув- услубий кенгашнинг кенгайтирилған кенгашыда аник қарор қабул қилинади. Шу қарор асосида дарсликнинг камчиликлары бартараф этилади.

Ушбу экспертиза тизими үзіда үқув адабиётлари сифатини баҳолашда күпгина Хорижий давлатларда күлланилаётған асосий гоя ва тамойилларини мужассамлаштиради.

Маҳсус фан үқув адабиётлари сифатини баҳолаш бүйичаутказиладиган экспертиза жараёни илмий жиҳатдан асосланған, аник максадға йұналтирилған, ишончли ва исботлы булиши керак.

## **2.2. Махсус фан ўкув адабиётлари сифатини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш**

Ҳар кандай ўкув адабиётини баҳолаш натижалари ўзаро таққосланиши ёки ўлчаниши лозим. Натижаларни таққослаш ёки ўлчаш баҳолашдан олдин ёки кейин махсус ишлаб чиқилган мезонлар асосида амалга оширилиши мумкин. Таълим жараённада баҳолаш мезонлари ўкув мақсадларига кай даражада эришилганликни англатувчи кўрсаткичdir. Ўкув адабиётлари сифати баҳолаш мезонлари – унинг асосий кўрсатгичларига мос қўйиладиган баҳолар ёки баллар тавсифидан иборат.

Мезон - баҳолаш ўлчови; кўрсаткич - дарсликнинг баҳоланадиган хоссалариdir [111].

Касб-хунар таълимида махсус фан ўкув адабиётлари сифатини баҳолаш моҳиятидан келиб чиқиб, уларни эксперизадан ўтказиш икки хил шаклда амалга оширилиши мумкин;

1. Мезонга асосланган баҳолаш орқали.
2. Меъёрга асосланган баҳолаш орқали.

Мезонга асосланган баҳолаш – махсус фан ўкув адабиётларини асосий кўрсатгичлари бўйича сифатини баҳолаш олдиндан ишлаб чиқилган умумий ва бир хил мезонларга кўра таққослаш ҳамда ўлчашга асосланади. Баҳолаш мезонлари орқали ўкув адабиётлар сифати тўғридан тўғри ва холис баҳоланади, шунингдек, иккита бир хил махсус фан ўкув адабиётини бир-биридан яхшиrok фарқлаш имконини беради. Бу баҳолаш шакли икки босқичдан иборат бўлиб, биринчи босқичда ўкув адабиёти сифатини баҳолаш бўйича экспертиза натижалари аникланади, иккинчи босқичда эса, натижалар умумий мезонлар бўйича таққосланади, ўлчанади ва умумлаштириб хulosалар килинади. Ўкув адабиётларини мезонга асосланган баҳолаш афзалликлари ва камчиликлари куйидаги 2.1.жадвалда келтирилади.

Афзаллиги	Камчилиги
